


АХТАМҚУЛИ

*ТОҒЛАР ҲАМ
ҚАРИЙДИ*

Ҳикоялар




ТОШКЕНТ — «O‘ZBEKISTON» — 2012

УДК 821.512.133-32
ББК 84(5Ў)6
А 90

Ахтамкулининг «Тоғлар ҳам қарийди» номли мазкур ҳикоялар тўпламида мағрурликни тоғлардан ўрганган инсонларнинг ибратли ҳаёти ўз ифодасини топган. Она юртга меҳр, элга бўлган чексиз садоқат, аجدодларнинг аччиқ ўтмиши, боболарнинг олис йўллардаги сафари давомида қалблардан қалбларга кўчиб боради. Юксак чўққиларнинг сеҳрли олами ўқувчини борлиқнинг беғубор дунёсига ошно этади.

ISBN 978-9943-01-766-5

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012



ТОҒЛИКЛАР ҲАҚИДА ГУРУНГЛАР

Ўзбек адабиётида тоғларда, уларнинг ёнбағрида яшовчилар ҳақида талайгина асарлар яратилган. Муаллиф Ахтамқули «Тоғбеги», «Момоқиз», «Уруш кўрган чоллар», «Сўнгги ўлжа», «Тоғларга дил берган девона», «Эрта тушган қор» асарларини жамлаб, тўплам тузибди. Тоғ, тоғликлар, довон, дара, баҳайбат чўққилар, азим дарёлар, ёлғизоёқ йўллар ҳақидаги ҳикоялар ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Тоғликлар борлиқни ўзларича кўрадилар, воқеа-ҳодисаларни бетақрор кўринишда баҳолайдилар. Уларнинг номларида ҳам табиатга, ҳам жамиятга хос томонлар бор. Гулқиз, Қулат мерган, Момоқиз, Кокил бобо, Шотўр бобо, Аҳмадбой калласиз, Девона бобо, Ҳазори амма сингарилар табиатдай содда, тоғлардай улуғвор, довонлардай донишманд. Тўпламдаги тоғликлар Муш, Шотирўд қишлоқларида яшайдилар. Жангтоҳ тоғига чиқадилар, Солор чўққисига кўтариладилар, Хўжа Пирях тоғ музлигини тавоф этадилар.

Тоғликлар табиат кучоғида яшайдилар, лекин жамият тартиботи уларга ҳам тааллуқли. Аваз кал хотинини чавақлаб қамалиб кетган. Уста Зариф умр бўйи тинмай ишлайди:

— Умрим тош қазишда ўтди. Одамларнинг миннатидан кўрқиб яшадим. Умримни боғ барпо этишга бағишладим. Болаларим хор бўлмасин дейман. Мақсадим бир парча боғ қолдириш...

Тоғликлар Тоғбегини ҳам, унинг адолатпешалигини ҳам, ҳозирги оқсоқолнинг калондимоғлигини ҳам кўраяптилар. Ровий гурунгни давом эттиради:

— Бир куни қишлоққа оқсоқол келди. Ҳар ким топганини олиб, оқсоқолни кўргани борди. Мен ҳам уйдагиларга ширгуруч буюрдим. Каттакон ёғоч товоққа ширгуручни сузиб, устига сарёғни қўйдим-да, оқсоқолни кўргани бордим. Борсам, оқсоқол тўйган қўзидек дастурхон бошида ёнбошлаб ётибди. Олдида минг хил аширу нашир. У менинг келтирган ширгуручимга қайрилиб ҳам қарамади... Ширгуручни товоғи билан кўтариб уйимга жўнадим.

Тоғликлар мураккаб табиий шароитда яшайдилар. Ҳаёт тарзи уларни шартта, лўнда гапиришга одатлантирган. Мана, ота ва бола очлик, қаҳатчилик йилларида йўлда кетаяптилар. Улар ҳордиқ чиқариш, тамадди қилиб олиш учун булоқ бўйига ўтирдилар. Ота боласига бир парча кунжара беради, ўзи бир бурда арпа нонини тановул қила бошлайди. Бола отасидан нон сўрайди. Ота: «Сен ёшсан, ҳозир тошни есанг ҳам ҳазм қиласан. Мен-чи, мен... Борди-ю, йўлда сен очликдан йиқилиб қолсанг, мен сени кўтариб манзилга етказиб бораман. Тўғрими? Агар мен очликдан йиқилиб қолсам-чи? Сен мени ҳеч қаёққа олиб боролмайсан», дейди.

Ахтамқули тўпламида одам, табиат, дов-дарахт чапишиб кетган, бири иккинчисини тўлдиради. Девона бобога бир замонлар бадавлат одам бир тўп молини омонатга топширган, бу келишувга эса Хўжа Пириях тоғ музликларигина гувоҳ бўлган. Омонатни қолдирган одам дом-дараксиз йўқолди. Девона бобо омонатга хиёнат қилмади, кишининг молини кўз қорачиғидай авайлади. Вақти-вақти билан Хўжа Пириях тоғига чиқиб, омонатга хиёнат қилмаётганини айтиб қўяди. Девона бобо сўнгги нафасида калима келтиради, хаёлидан омонатга хиёнат қилмаганлиги ярқ этиб ўтади...

Ҳазори амма умр бўйи инсонларга яхшилик қилди. Турмуш қурмади. Кексайганида тирноққа зорлик туйғуси қалбини ўртай бошлади. Умри шомиди амма ёнғоқ экади: «Бир кун дунёдан ўтсам, болаларингиз қийқириб мева тераётганида Ҳазори аммамиздан қолган боғ, дея мени эслайсизлар», — дейди.

Ахтамқули тўпламига кирган асарлар жанри — новелла. Муаллиф ҳаёт дарёсидан қизиқарли ҳангома, гурунларни тўплаб, уларни сўзлаб берган. Новеллаларда ҳаёт оқими, одамлар тақдири мавжуд. Ҳикоя кичик ҳаётий драма бўлса,

новелла ҳаёт оқимининг ўзига хос қисми. Унда романга хос тасвир, ровий ҳикояси, гурунг, ҳангома бор. Новелладаги ҳар бир тимсол ўзидаги бетакрор томонни намоён этишга интилади. Ҳикоя — ўзига хос тенглама, формула. У ёзувчидан ўзигагина хос сўзларни топишни, қўллашни талаб қилади. Новеллада ёзувчи эркинроқ ҳаракат қилади: ҳар бир сўзни тарозида тортиб тасвирламайди. Ахтамқули учун, масалан, кунжаранинг, арпа ноннинг бурдаси бир хил...

Хуллас, Ахтамқулининг ҳикоялари ҳам газалларидай эъзоз топса ажабмас.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
филология фанлари доктори,
профессор*

ТОҒБЕГИ

*Баландда юрган одам кўп
нарсани кўради...*

Ўзбек бобом
хикматларидан.

Йил оғир келди. Чорвадорнинг куни қорайди... Қишлоқда бир парча бўш ернинг ўзи йўқ. Ҳаммаёқни пахта эгаллади. Тошлоқ жойларни ҳам одамлар бўлиб олишган. Сурувни қаёққа ҳайдашни билмай бошим қотади.

Бобом молга раҳминг келсин, деб нуқул мени койийди. У кишига пахтадан сўз очиб бўлмайди. Эшитишни ҳам ис-тамайди:

— Эчкининг тили бўлганда эди, сенга нима дейишини билардинг. Бир майдон аланг¹ларда чиратиб келсанг, ёнингдан кетадими?!

Таёғимни олиб гуноҳкордек кўтонга йўл оламан, у ерда мўлтираб ётган эчкилар менга интиқ кўз тикади.

Кўтон эшигини очишим билан пилдираб, ҳар томонга югуради. Асли кийикнинг наслидан бўлгани учун ҳам улар қамални хушламайди. Тоғликлар эчкини туёғи боқади, дейишади. Шотирўдликларни кўрганда жағи очиладиган Гулқиз кампир эса:

— Эчкингни гум қил, бу шайтоннинг уруғи-ку! Унинг дастидан на гул, на дарахт қолди, — дея тинимсиз жаврай бошлайди.

Шу шум кампирни кўргим йўқ. Кўчасидан сурувни қанча эҳтиёт қилиб ўтмайин, барибир танбеҳ эшитаман. Ҳар гал бир баҳона топади. Унинг жиззакилиги сабабини бобом шундай сўзлаб берган. Бир пайтлар «қизиллар»нинг додини берган Боймирза чўлоқнинг хотини бўлган экан. Гулқиз қизлигида бир қучоқ ловуллаган гул эди. Ҳеч кимни писанд

¹ Далалар атрофи.

қилмай юрган дамлари гўзаллиги таърифи Боймирза чўлоқнинг қулоғига чалинган. Шундай қилиб, Гулқизнинг айна гуллаган даври тақдир амри билан тўртинчи хотин бўлиб, Боймирза чўлоқнинг ҳаётига кўчди.

— Чўлоқ одамдаям тўртта хотин бўладими?! — дейман ажабланиб. Бобом кулади:

— Унда у чўлоқ бўлмаган, дамнинг тафтида ҳолва пишарди. Юртни босқинчилар босиб олганидан кейин ҳам у кўп йиллар қизилларга бўй бермай, тоғларни ларзага солиб юрди. Ҳар ернинг тулкисини ўзининг тозиси овлайди, деган сўз ҳақ экан. Уни ўзимизникилар тутиб берди, тутқич бермас ёвқурни «қизил»лар сўроқ қилмасдан Сибирга сургун этишди. Аммо Боймирза тушмагур қамоқда ҳам тинч юрмай, маллавоёларнинг бошлигини уриб, қочмоқчи бўлган.

— Боймирзанинг қилиғи «оға»ларга оғир ботиб, уни батамом эгиб олиш учун бир оёғини тиззасидан кесиб ташлашган...

Бунинг тарихи жуда узун... Гап Гулқиз ҳақида кетаётувди. У бошида Боймирзани писанд қилмайди. Савлатидан от ҳуркадиган чўлоқ, Гулқизни хонага чақиради-да, олмосдек ўткир пичоғини бўғзига тирайди.

— Калима келтир, менга эрнинг ҳурматини жойига қўймайдиган хотиннинг кераги йўқ. Бугун сендан бутунлай воз кечаман. Сен менинг хотинимсан, меники бўлиб кетсан...

Гулқиз Боймирза чўлоқнинг совуқ ниятини англаб, жон ширинлигидан унга ялиниб-ёлворади. Чўлоқ бир оз ҳовридан тушиб, унга тўртта шарт қўяди.

— Мен келсам югуриб олдимга чиқасан, аввал салом бериб, отимнинг жиловини тутасан, сўровсиз бирор қадам четга чиқмайсан...

Гулқиз унинг барча истақларини бажаришга онт ичади. Шу тариқа унинг ёшлик дамлари зимистонга айланади. Шотирўдликларни ёмон кўриши шундан. У замонлар аллақачон ўтиб кетган бўлса ҳам аламини кимдан олишини билмай, ҳамиша аламзада юради...

Эчки боқиш жону дилим, айниқса, адирларга ёйиққа чиқариб, улоқчаларнинг шаталоқ отиб югурганини кўрсанг,

кўзинг қувнайди. Маза қиласан. Бизнинг сурувга «Кулат» бош бўлиб юради.

Отам бу эчкини Кулат мергандан сотиб олганлари учун биз уни «Кулат» деймиз. «Кулат» — қайсар эчки. Ўзидан олдинга ўтган эчкиларнинг додини беради. Айниқса, унинг «тарбияси»га кўнмаган улоқчаларни қулоғидан тишлаб орқага силтаганини кўриб, ҳайрон қоламан. Сурув унинг йўригидан чиқмайди...

— Бобо, тезроқ тоғларга чиқайлик, пастда мол боқишга жой қолмади, — дея бобомни ҳоли-жонига қўймайман. Бобом қор кўчиб, тоғ йўллари вайрон бўлганини уқтиради.

— Оллоҳ қувватни ниҳондараликларга берсин! Биз ба-рибир йўл созламаймиз... — дейди.

Биз орзиқиб кутган кун келди. Тоғнинг йўллари соз бўлибди, деган хушxabар қишлоққа бирпасда тарқалди. Ҳам-қишлоқларим кўч-кўронини ортиб йўлга отланади. «Мен ҳам тоққа бораман», дея овози борича хархаша қилаётган болакайларнинг йиғиси қишлоқни тутади. Одатда ёш болаларни тоққа тут пишиғида олиб боришади. Унгача уларнинг оқизган кўз ёшлари ҳеч кимнинг дилини юмшатомайди. Мен дастёр бўлиб қолганимдан, бобомга думман...

...Ҳаво серёгин келиб, ўт кўпайди. Қирлар ям-яшил гилам ёзиб, бизга пешвоз чиқади. Эчкилар соқолини селпанглатиб, кенгликларга югуради. Тоғларнинг бағри кенг, ҳеч ким молингни қайтар демайди. Биз борлиқнинг тиниқ ва соф ҳавосидан нафас олиб юқорилаймиз. Тоғлардек баланд бўлгимиз келади.

Янги қурилган шотидан ўтишимиз билан уста Зариф йўлсозларнинг хатосини топади.

— Шотини мустаҳкам боғлашмабди, боғлаган шотилари кўпга бормайди, — дейди бобомга қараб.

— Энди уста, шуни ҳам барака топкур тамшўшлик каллар қурди. Бизнинг шотирўдликлар қачон шоти боғлаган?!

— Йўл созлаш бизнинг чекимизда йўқ, — дейди уста ўжарлик билан гапни чўрт кесиб. — Бобомиз шох ташишни бўйнига олганида эди, бизлар ҳам йўл қураддик.

Уста Зариф сўзини исботлаш учун тортишади. Мен эса ҳайратланиб, бобомни саволга тутаман:

— Нега шох ташишни бобомиз бўйнига олмаган?!

У киши аввал менга, кейин уста Зарифга газабнок тикилиб, ҳикоясини бошлайди:

— Амирлик даврида, ҳозир тўғон кўтарилган Тўполон сув омбори ўрнида Ҳисор беклигига қарашли қалъа бўлиб, унга Сарижўнинг мири бошчилик қиларкан. Ўша даврларда ҳам бизнинг кўчманчи чорвадор халқимиз баҳорда тоғларга чиқиб, кеч кузда ҳавор¹га тушиб келишаркан. Ниҳондарада ўндан ортиқ дара бўлиб, унинг ҳар бирида ўзига хос қавмлар яшаркан. Ҳар бир қавмнинг тоғбегиси бўлиб, улар бекликка ҳисоб бераркан. Бир куни Ҳисор беги барча тоғбегиларни йиғиб, фармон берибди:

— Биз беклик учун катта иморатлар бунёд этишга қўл урдик. Аммо ёғоч ва шох этишмаяпти. Сизларни йиғишимиздан мақсад ҳар бир тоғбеги ўз қавми билан яшаб турган жойидан бекликка шох ташийди. Бу биз қураётган янги иморатларга қўшган ҳиссаси бўлади.

Ўшанда барча тоғбегилар бекнинг фармонини бажаришга рози бўлибди. Аммо Шотирўд²нинг тоғбегисига бу фармон оғир ботибди. У бекка қараб шундай дебди:

— Шох ташиш шотирўдликларга тўғри келмайди, сабаби йўлимиз бекликдан салкам икки юз чақирим олисда, унинг устига ёлғизоёқ тоғ йўлидан битта шохни судраб келтиришнинг ўзига тўрт кун вақт кетади. Одамларим оч-наҳор, бу мушкул вазифа уларга оғир тушади...

Тоғбегининг сўзларидан бекнинг қаҳри келиб, миршабга буюрибди:

— Агар одамлари шох ташишни истамаса, янги бино деворига унинг ўзини қўшиб, лойланглар! Токи фармонни бажаришни ўргансин...

Шундай қилиб, Тоғбегини бекнинг фармони билан пахсачилар деворга қўшиб тиззасигача лой урибди. У шох ташишни бўйнига олмабди. Иккинчи кун лой белигача кўтарилибди. Девор орасида қисилиб қолган Тоғбегининг оғизбурнидан тизиллаб қон оқибди. Лойчилар учинчи пахсани бошламоқчи бўлганида, Тоғбеги миршабга дебди:

— Менга бекни чақириб беринглар!

¹ *Ҳавор* — текис майдон.

² *Шотирўд* — қишлоқнинг номи. *Шоти* — нарвон, *рўд* — дарё.

Миршаб Тоғбегининг аҳволини кўриб, энди таслим бўлса керак деб бекнинг хузурига ошиқибди. Унинг арзини бекка етказибди. Кўргондан савлат тўкиб чиққан бек Тоғбегининг олдига келибди. Унинг гариб аҳволига ачиниб:

— Хўш, энди шох ташийсанми? — дебди.

Тоғбеги бекнинг кўзларига тик қараб:

— Бегим, сиздан биргина илтимосим бор, лойчиларингизга айтинг, майли танамни бош-оёқ лойлаб чиқишсин, аммо икки кўлим билан бўйним девор ичида қолиб кетмасин. Кўлларимни икки томонга чиқариб қўйсинлар! Шотирўдликлар тоғдан ҳориб тушган чоғида уловини боғлашга қоziқ қидириб юрмай, менинг кўлларим билан бўйнимга боғлашсин...

Тоғбегининг сўзларидан ҳаяжонланган бек унинг қавмига бўлган чексиз садоқатига қойил қолиб, жазони бекор қилибди. Шотирўдликларнинг йўли узоқ деб, шох ташишдан бутунлай озод этибди... Бизнинг озодлигимиз шундан...

Мен Тоғбегининг жасоратидан ҳайратландим.

Кейин шотирўдликлар халоскорини роса эъзозлашгандир, — дея бобомга қарайман. У киши индамайгина кўзларини тоғларга олиб қочади.

— Эҳ, нимасини сўрайсан, яхшилиқнинг ҳам гоҳо яроқсизлиги бўлади...

Бобом менга ҳар гал яхшилиқдан сўзлайди. Уларнинг ҳикоя давомида каловланиб қолишидан воқеанинг охири хайрсиз тугаганини англайман. Шу пайт йўлда юрганида кўзлари юмилиб-юмилиб кетадиган уста Зариф бобомнинг жонига оро кириб, ҳикояни давом эттирди:

— Орадан кўп ўтмай Тоғбеги бедаво дардга чалинган. Касалининг юқумли эканини пайқаган шотирўдликлар ундан юз ўгириб, қишлоқдан бадарга қилишган. Тоғбеги омонатини ўз қавмидан йироқда, одам қадами етмайдиган жойда, танҳоликда топширган экан. Бу шунақа бир қўтир дунё...

Уста Зариф бошини сарак-сарак қилиб, халачўп билан эшагини ниқтаб, тезлайди. Қирлар орта қолади. Пирих тоғидан эниб келаётган дарё бошини тошларга уриб, айқиради. Унинг айқиригидан қулоқларим остида гўё Тоғбегининг қонга беланиб: «Лойчилар, кўлларим билан бўйнимни лойдан чиқариб қўйинглар!», деган овози тинимсиз янграётгандай бўлади...

МОМОҚИЗ

Тоғларга чиқишни бобомдан ўргандим. Баҳор келиши билан бир завқ дилимни қитиқлайди. Унинг қиёсини ҳанузгача излаб тополмайман. Ўзбек бобомнинг ортидан чопқиллаб-чопқиллаб ёлғизоёқ сўқмоқлардан юқорига кўтарилиб боравераман, худди эртақлардагидек...

Тоғнинг илондек биланглаб кетган йўларида ҳар қадамни эҳтиёт бўлиб қўймасанг, ҳаётингга бир зумда нуқта қўйилиши ҳеч гапмас. Қирлар йўлларимизни боғлайверади. Бу ёғида йўл йўқ десам, яна йўл чиқади. Борган сари юқорига кўтарилиб бораверамиз, бобомнинг менга ёд бўлиб кетган маҳзун хиргойиси янграйди:

*Тоғларда девона кездим,
Йўлларда монанди ҳур.
Кўчаларни тўлдириб чиқ,
Тутқазай қўлингга гул...*

Кўлида ёғланган қип-қизил заранг таёғини кўз-кўз қилиб юқорилаётган бобом кўзларини тоғлардан узолмайди. Мен эса олисларда савлат тўкиб турган кекса тоғларга ҳайратланиб-ҳайратланиб қарайман. Юрган кўйи кўзларимни йўлдан узмайман. Бобом ҳар қадамда «йўлга қараб юр», дейдилар. Ножўя қўйилган биргина қалтис қадам қимматга тушади. Юрак ҳаприқади. Уловимиз учта лоғари¹ эшак, юкнинг оғирлигидан инқиллаб-инқиллаб юқорига кўтарилади.

- Файрат қил, — дейдилар бобом қатъий оҳангда.
- Бу кеча Аваз калнинг боғига етиб олишимиз керак.

¹ Лоғари — ориқ, хароб

Аваз калнинг боғига ҳадаҳалаб юрсак бир кун деганда зўрға етиб борамиз. Ўзиям боғмисан боғ-да, шундайгина қирнинг ён бағрида жойлашган, бу боғ ёнидан дарё айқириб оқади. Дарёнинг ҳайбатидан қўрқаман, у дод солаётганга ўхшайди. Бўгилиб-буралиб, бошини тошларга уриб-уриб оқади.

— Аваз кал ўн беш йилга қамалиб чиққан, — дейди бобом. Совуқ хабардан баданим жунжикиб кетади.

— Нега?

— Хотинини чавақлаган...

Мен бобомнинг сўзларидан баттарроқ сесканаман.

— У жинними бобо?

— Йўқ жиннимас, хотини... Ҳозир билишинг шарт эмас, катта бўлганда тушунасан...

Бобом бошқа чурқ этмайди. Яна эсимни таниганимдан бери тилларидан тушмайдиган ғамгин қўшиғини хиргойи қилганча, илгарилайди. Менинг дилимда Аваз калга нисбатан нафрат уйғонади. Йўқ уникага бормайлик, дейман ичичимда. Лекин бобом бир сўзли, айтганидан қайтмайдиган одам. Бир гапни икки қилмайдиган чўрткесар. Тоғларда қоронғи эрта тушади. Дара хувиллаб, кишини ўз комига тортгандек, олисда турган харсанглар худди сен томонга бостириб келаётган лашкардек ваҳима уйғотади. Кун бўйи юравериб дармоним қуриydi. Ўнқир-чўнқир сўқмоқ йўлда тошларга қоқиламан. Кошки, бобомнинг раҳми келса-ю, эшакка миниб ол деса. Йўқ, бобом уловини аяйдиган одам, менинг юк устига яна юк бўлишимни хоҳламаydi. Шунда-ям оғир юкдан эшаклар зўрға юқорига кўтарилади. Қош қорайиб, илон изи йўлнинг изи ўчади. Аваз калнинг боғи гўё биздан қочаётганга ўхшарди.

— Эшакнинг думидан ушлаб юр, йўлдан чиқиб кетмайсан, дейди бобом менга қараб. Мен эшакнинг думидан ушлашни ёмон кўраман. Кўлим ифлос бўлишини истамайман. Ушламасликнинг эса иложи йўқ, қоронғи тушганда тоғ йўлида юришнинг азоби шу. Итларнинг узук-юлуқ хургани эшитилади, демак кўзланган манзил яқин. Бирдан Аваз калнинг овозидан тоғлар гумбирлайди. Бир овоз беш-олтита овозга айланиб, садо беради.

— Кимсан?..

— Ўзбекман... — дейдилар бобом.

- Қайси Ўзбек?..
- Карим мерганнинг ўғли.
- О, айланай овозингдан, Карим мерганнинг ўғли. Сени бу бемаҳалда қайси шамол учирди?
- Пирихтоғнинг шамолларини соғиндим!..
- Момоқиз, чироқни супага келтир, меҳмонларга жой ташла!

Ёноқлари қип-қизил, қадди-қомати келишган аёл ўтовдан чироқ кўтариб чиқди. Назаримда унинг юзлари ҳам чироққа кўшилиб нур таратаётганга ўхшарди. Аваз кал бобомнинг гапидан кейин менга қўрқинчли одамга айланиб қолганди. Юзини жун босиб кетган. Юрганда бир оёғи оқсоқланиб юради. Нима бўлганда ҳам у одамкуш-да. Момоқиз унинг хотини эмиш, ўшанда ақлимни танимаган ёш бола бўлсамда, негадир Момоқизни Аваз калдан қизгандим. Бўлиши мумкин эмас, дер эдим ич-ичимдан норози бўлиб. Қаршимизда ўтириб, бизга муздек айрон куйиб узатаётган Момоқизга бурнимни тортиб-тортиб, кўз қиримни ташлайман. Исми ажойиб экан, Момоқиз. Худди Авазнинг нигоҳида момо-ю, менинг нигоҳимда қиз ўтиргандек эди. Ўшанда галати бўлиб кетганман...

- Жўрақул ҳам қамалди... — дейдилар бобом Аваз калга.
- Қайси Жўрақул? — унинг ҳайрати ошади.
- Жўрақул-чи, Гулёр...
- Ҳа, нима айби бор экан?
- Пахта хирмониға қоровуллик қиларди. Макка қоровули бўлиб юрган бир гунг йигитни тунда кимдир роса калтаклабди. Гунг хушини йўқотганмиш. Эртаси ундан сени ким урди деб сўрасалар, Жўрақулни кўрсатибди. Жўрақул нон билан қасам ичди. Мен урганим йўқ деб, зориллади. Охири йиғлаб-йиғлаб, қамоққа кетди...
- Неча йилга кетди? — қизиқиб сўрайди Аваз.
- Тўрт йилга...
- Э, тўрт йил ҳам жазоми? Кичкина бармоғимга айтсам, тўрт йилни ўтаб келади. Мен ўн беш йил ётдим...

Бобом гўё Аваз калнинг жон жойидан тутгандек бўлади. У бошидан кечирган қора кунларини сўзлайверади-сўзлайверади. Мен эса гурунг қулогимга кирмай, биздан сал узоқроқ ўтов ёнида болалари билан овуниб ўтирган Момоқиздан кўзим-

ни узмайман. Кейин шу ҳолимда кўзим илиниб, тошдек қотиб ухлайман. Йўл чарчоғи дарров билинади. Бобомнинг:

— Тур, ой чиқди. Салқинда юрмасак бўлмайди, — деган овозидан уйғониб кетаман. Тоғнинг совуқ ҳавосидан тургим келмайди. Дарёнинг қутурган туядек нолиши шундоқ пастликдан эшитилади. Бобом ухладими, йўқми билмайман.

— Йўловчига йўл яхши. Эшакларни келтир, ойнинг ёруғида бир қадам бўлса ҳам олдинга юрганимиз маъкул. Эшакларимиз олдида тўкилган пичанни курт-куртлаётган бўлади. Бобом уларнинг белини тортиб-тортиб:

— Жўра, агар шу ерга етиб келмаганимизда бу кеча эшакларимиз оч қолиб эртага йўлга ярамай қоларди. Барака топкур Авазнинг берган бир боғ бедасидан буларга ҳам дармон кирди. Ўзимиз эса иссиқ ўринда маза қилиб ётдик.

Бобомнинг амри билан эшакларни ҳайдаб, йўлга тушамиз. Бу пайтда Аваз кал билан Момоқиз ётган ўтовнинг чироғи ўчган бўлади. Улар бизнинг қачон туриб кетганимизга эътибор ҳам беришмайди. Билсалар ҳам ўзларини билмаганга олиб ухлайверишади. Мен ниманидир қолдириб кетаётган кишидек Момоқиз ўтирган супага мўлтираб қарайман. Бобомнинг бир сўзи бор: «Тонг уйқусини тотган ҳам бир, тонг отгунча ётган ҳам бир».

— Ҳушёр бўл, тошга қоқилиб кетма, ҳали уйқунг қочмабди. Эшакнинг думидан маҳкамроқ тут, йиқилиб кетмайсан.

Биз яна ёлғизоёқ йўлдан юқорига кўтариламиз. «Борди-ю, ҳозир олдимиздан айиқ чиқиб қолса нима қиламиз экан?» Ярқ этиб хаёлимга келган совуқ саволдан сесканиб кетаман, Гулмурод бобомнинг ҳикояси эсимга тушади:

— Ой тунда сутдек ёғду сочиб турган пайт, Чўпонқул билан тоғ йўлидан кетаяпмиз. Чўпонқул унда ёш бола эди. Эшакларимиз тақа-тақ тўхтади. Шунча их деймиз қани энди, олдинга юрса. Ҳайрон бўлдим. Қарасам, йўлнинг ўртасида ҳўкиздек келадиган бир айиқ ўтирибди. Айиқ десам, Чўпонқул қўрқади. Ўзимнинг ҳам баданим увишиб, сочларим тик бўлди. Чўпонқулни катта харсанг устига чиқариб қўйдим. Кейин олдинга ўтиб, айиққа: «Полвонжон, сиз шу даранинг султонисиз. Сиздан зўри йўқ. Йўл беринг, ўтиб кетайлик», деб ёлбордим. Айиқ сўзларимни фаҳмлагандек, ўрни-

дан туриб, ўн қадамлар йўлдан четга чиқди. Биз ўтиб кетдик, зиён қилмади. Айиқ мард ҳайвон...

Бобом билан олдинма-кетин илгарилаб юраверамиз. Пешинга яқин олисдан Пирияхтоғ кўринади.

— Қорларингдан ўргилай Пириях!

Бирдан бобомнинг кўнгли ёришиб, қувончдан кўзлари порлайди:

— Ана у кўринаётган Наврўзгоҳ тоғи, олдига етиб борсак бўлгани...

Олдимиздан Муш қишлоғи чиқади. Муш Кокил бобонинг боғи. Қир бағрида ястаниб турган боғларни Кокил бобо барпо қилган. У уйини катта қоя тошнинг тепасига чиқариб қурган. Уйининг пойдевори тоғ. Ёнида каттакон ҳовуз ҳам бор. Буни Ҳавзи Мардон дейишади. Ҳовузда гулмоҳилар сузиб юради. Кокил бобо ғалати одам. Ёши саксонни қоралаб қолган бу қарияни тоғликларнинг ҳаммаси билади. Қария бирон-бир йўловчини уйининг ёнидан қуруқ ўтказиб юбормайди. Меҳмонхонасининг эшиги ҳар доим очиқ.

— Қани, эшакни бу ёққа қайтар, бир пиёла чой ич. Ўша Шотирўд қочиб кетмайди. Алқоснинг онаси, қатиқ келтир...

Кокил бобонинг чойини ичмай кетишнинг иложи йўқ. Дастурхони очиқ бу чолнинг меҳмони узилмайди. Икки дара одамнинг йўли шу уй олдидан ўтган. Бобо сочини ўстириб юрган олифта йигитларни ҳуш кўрмайди.

— Соч қизларга ярашади, — дейди. У менинг тап-тақир бошимни силаркан.

— Оҳо, йигитмисан йигит бўлибди-ку, бу бола!

Бобонинг кўп бора соч қўйганларга танбеҳ берганини эшитганман. Кокил бобо ўзини билмаганга олиб, сочи борга ишора қилиб дейди:

— Қизингизнинг ҳам бўйи етиб қолибди-ку?

Боланинг отаси ҳайратланиб: «қизмас, бу — ул бобожониси», деса:

— Ул бўлса, улга ўхшаб юрмайдими? Йигит кишига соч ярашадими? Соч аёлларнинг безаги. Индамасанг, ҳозирги йигитлар жамалак тақийшдан ҳам қайтмайди, — дейди Кокил бобо истеҳзо аралаш.

Бобом нега ҳар гал сочимизни бунча қиртишлаб олади десам, бунинг тагида гап бор экан. Бобомни ҳам тушуниб бўлмайди. Ҳали замон кўрасан, қаёқдандир келиб:

— Қани тайёрланинлар, сочларингни оламиз, — деб қолади.

Дунёда энг ёмон кўрганим, бобом қўллари билан бошимизни ўйнатиб-ўйнатиб, сочимизни қиртишлаши. Бошқалар сочни иссиқ сув билан совунлаб олса, бобом ундай қилмайди. Бизни муздай оқиб турган ариқ бўйига чақириб, аввал бошимизни совуқ сувга ювиб, кейин кафтлари билан роса ишқалайди. Биз тишимизни тишимизга қўйиб чидаймиз. Укам Жаббор нозик бўлгани учун йиғлашга тушади. Сўнг эски покени тиззаларига ишқаб-ишқаб, бисмилло, деб бошимизга юргизадилар. Бошимиз бирам оғрийди денг.

— Оғрияпти... — Йиғлашимиз фойда бермайди. Барибир сочдан айриламиз. Бобом хузур қилиб куладилар.

— Оғрийди-да, сочни ўстиргандан кейин. Рангингни қара, саргайиб кетибди. Йигит кучини соч олади.

У киши, минг бора эшитганим эски ривоятини бошлайди.

— Бир бой бор экан. Боласини полвон бўлсин деб ҳар куни қўй гўшти билан боқаркан. Бир камбағал бор экан, у ҳам полвон бўлсин деб боласини қотган нон билан боқаркан. Бой ўғлининг сочини олмас, камбағал эса ҳар ўн кунда ўғлининг сочини қиртишлаб олар экан. Бир куни катта майдонда иккисини беллаштирибдилар. Камбағалнинг ўғли бойнинг ўғлини кўтариб урибди. Ҳамма ҳайрон. Бой донишмандлардан бунинг сирини сўрабди. Улар бойнинг хатоси ўғлининг сочини олдирмаганида, дейишибди. Соч унинг кучини олиб, заиф қилиб қўйган-да...

Жаббор укам соч олдирганда роса йиғлайди. Айтдим-ку, жуда нозик деб, бунинг устига Аҳмад акамиз нуқул уни мазах қилиб ҳоли-жонига қўймайди. Эмишки, Жаббор сочини олдирса, Иброҳим калга ўхшаб қолармиш. Бу сўз укамга жуда оғир ботади. Ори бор-да, бировга ўхшагиси келмайди. Шунинг учун ҳам йиғлайди. Тоғларда нима кўп, кал кўп. Лекин муҳими бу эмас, тоғликлар учун энг муҳими йигит бўлиш керак. Ўйлайман — тоғларда калларни кўпайтирган нарса, бобомнинг эски покиси бўлса керак. Совуқ сувга бошингни ювиб, кафтлаб-кафтлаб эски устарада сочингни олсами, бош жароҳатланиб кал бўлади-да...

Дарвоқе, Кокил бобо... Товоқларда тўлиб турган эчки қатигидан роҳатланиб ичамиз, кейин бобонинг дуосини

олиб, йўлимизни давом эттирамиз. Эҳ, бу тоғликлар, дейман ўзимга ўзим. Булар баландларда юрганлари учун ҳам кўнглида гидир йўқ, баланд одамлар, уларнинг қиёсини тополмайман. Дунёдаги барча одамлар қани шундай бағри кенг, баланд бўлишса. Баландда юрган одам кўп нарсани кўрар экан, буни менга бобом айтганди.

Қишлоғимизга иккинчи куни қуёш ботиш арафасида кириб борамиз. Кавракларнинг хушбўй иси димоққа урилади. Эшакларимиз ҳам қишлоққа яқинлашиб қолганимизни пайқаб, илдам юради. Энди биз уларга етолмай қоламиз. Қишлоқ бизга кучоқ очади. Қир бағрида бобомнинг боғлари бўйи етган қизлар каби шивирлашга тушади. Синглим Гулсанамнинг кўнғироқдек овози янграйди.

— Ур-ра- а- а, бозорчилар келишди...

Олдимиздан таёғини тўқиллатиб Майсара момо чиқади. У бизни кўрганда дунё топгандек қувонади. Чўпиллатиб юзларимдан ўпади.

— Пастдагилар яхши юришибдими? — сўрайди момо. Бобом ишора қилиб, қўлларини силкитиб-силкитиб сўзлайди. Майсара момонинг қулоқлари оғир, паст овозни эшитмайди. Унинг учун булбулларнинг хониши билан дарёнинг шовуллаши бир.

— Қулоқларим кар, — дейди момо нолиб. — Кўзлар ҳам хиралашган, нима қилай?

Бобом хуржунда Майсара момога «посилка» борлигини тушунтиради. У таёғига суяниб-суяниб бизга эргашади. Исимизни сезган Қоплон ҳовлидан югуриб чиқади-да, аввал бобомнинг, кейин эса менинг оёқларимга суйкалиб-суйкалиб югуради. Эшакларимиз оғир юкдан халос бўлиб, хумордан чиққунча тупроққа ағанайди. Онам Майсара момони: «...бу кампир сира янги гапни гапирмайди», дер эдилар. Онамнинг сўзлари ҳақ. Момо ҳеч қачон янги гап айтмайди, фақат ўтмишдан сўзлайди. Биз учун ёд бўлиб кетган ўша болалик йилларида дарёдан қанча кўп балиқ овлагани-ю, Ҳайбиби холани балиқ тозалашдан эси кетиб йиғлаганларини фахрланиб сўзлайверади.

— Қани, у барака? — дейди момо саволни олдимизга кўндаланг қўйиб.

— Ҳаммаси кетди... Эҳ, — дейди кампир туриб-туриб. — Мерганжон тирик бўлганида, ҳозир сизларни кийик гўшти

билан сийлаган бўлардим. Энди у бошқача йигит эди-да...

— Мерганжон ким? — сўрайман отамдан.

— У кампирнинг укаси, девқомат йигит эди. Етти-саккиз ботмон юкларни юк демасди. Бир илиб елкасига оларди. Бир куни денг, боғимизда ўрик еганини кўриб, қойил қолганман. Олдига бир тоғора ўрик данагини тахлаб кўйибди. Энди ўйлаб кўринглар, у бир ўзи қанча ўрик еганини?! Отамнинг сўзлари ҳайратимни оширади.

— Шунчалик баҳайбатмиди?

— Бизлар унинг белидан ҳам келмаймиз, — дейди отам. — Важоҳатидан от хуркадиган йигит бўлганди.

— Нега ўлдиришди уни?

Майсара момо гапимизни фаҳмлаб тургандек, сўз бошлайди.

— Зўрларни кўролмайдиганлар замонида шундай қилишди. Душманлари ҳийла ишлатиб, овга олиб чиқишган. Кейин дам олиб ётган пайтида болта билан бошини чошиб ташлаган... У беш-ўн кишини писанд қилмайдиган полвон эди...

Момонинг эски дарди кўзғайди. Кўзларидан шашқатор ёш оқаверади.

— Бутун қишлоқ аҳли оёққа туриб, ўлигини ўн беш кун қидирдик. Охири мурдани кумнинг остидан Чўяннинг Маллук ити топди... Мен укамнинг жасадини кўриб, қаттиқ дод солганман. Ўшанда қулоқларим кар бўлиб қолган. Энди ҳеч нарсага ишонмайман. Бу дунёнинг кўп ишлари ёлғон. Эшитишни ҳам хоҳламайман...

Момо «посилка»сини қўлтиғига қисиб, ўрнидан туради. Онам кампирнинг бирор марта янги гап айтмаганидан нолийди... Ҳа, тоғликлар шунақа...

Келганимиздан тоғбеги хабар топади. Тоғбеги Мухтор Қассоб. Уни кўплар Мухтор кал дейишади. Гарчи сўзларни кўпиртириб гапирса-да, ундан яхши одам йўқ. Отам унинг кўп сўзларини ёлғонга чиқаради. Агар сал бўш келсангиз, у ўзини мамлакатнинг барча казо-казолари билан қадрдон этиб кўрсатади. Дунёдаги ҳамма катта унинг таниши бўлиб чиқади. Узоқ йиллар хизматини ҳалол бажарган одам ҳам мана шу Мухтор Қассоб. У бизни уйига бошлайди:

— Бугун қўшга чиқдим. Шўрчилик Жўлли қўрнинг катта бир қўчқорини тош урибди. Эллик килодан ортиқ юки бор. Жўлли нима қилишини билмай ҳайрон турган экан. Вақтида борибман, гўштни хуржуннинг икки кўзига тўлдириб, эшакка ортидим-да, қўлига юз сўм тутқаздим, вақти чоғ бўлди, денг. Бу ҳам сизларнинг насибангиз...

У иккита ёғоч товоқда қовурилган қўй гўштини дастурхонга қўяди. Биз маза қилиб гўштхўрлик қиламиз. Тоғ одалари ичида ёмони йўқ, ёмон деганлари ҳам бир хислати билан ажралиб туради.

— Сизлар билмайсизлар, — дейди Жаббор укам Мухтор калга ён босиб.

— Мухтор бобо саводсиз бўлгани билан қонунни сувдай билади. Унга ҳеч ким гап топиб беролмайди...

Укамнинг сўзларини Райимқул тоға тасдиқлайди.

— Кал туғма талант, ҳужжати ўзи билан. Чиндан ҳам раислар ундан зириллайди. Бирор раис йўқки, ундан ҳайқимаса, олдига борса, уни бўш қайтармайди.

Эшагини миниб идорага бордим, демак арпами, бугдойми омборда нима бўлса, биринчи Мухтор кал олади. Раиснинг эса бермай иложи йўқ. У бориши билан дарҳол, омборда нима бор раис, деб сўрайди. Раис кўрққанидан, унинг бежиз келмаганини билганидан, ҳамма нарсамиз бор, Мухтор ака дейди. Борди-ю, раис омборимизда ҳеч нарса йўқ деса борми, унда калга Худо беради.

— Раис, бу йил яхши ишламабсиз, омборнинг бўшлиги — халққа нон йўқ дегани, энди курсини бўшатиб қўйсангиз ҳам бўлаверади, — дейди тап тортмай. Раислар шунинг учун ҳам ундан кўрқиб юради. Худди Мухтор кал улардан лавозимини тортиб оладигандек.

Айниқса, йиллик ҳисобот йиғилиши яқинлашдим, Мухтор калнинг эшаги идорага серқатнов бўлиб қолади. У ҳеч қачон қуруқ қайтмайди. Ана шунақа...

* * *

Йиллар ўтди... Йигит бўлиб қолдим. Ўзбек бобом билан яна тоғларга чиқиб боряпмиз. Бу гал бобом мени кўп тергамайди. Бу йўлларда юравериб пишидим. Хоҳлаганча тоғу тошларни томоша қилиб боравераман. Бобом ўша-ўша

камгап. Туриб-туриб ўзича хиргойи қилади. Хиргойи қилганда ҳам сўзларнинг салмоғи борини, юракнинг тинчини бузадиганини топиб айтади. Юраверганимиздан менинг қорним очқайди.

— Бобо, озроқ дам олайлик, оч қолдим, — десам, у киши мийигида кулиб:

— Сенга нима бало бўлган ўзи, бир зўр муллани топиб, бод ўқитишинг керак, — дейди.

— Оч қолдик-да, бобо, — дея хуржунга қўлимни тикаман.

Бобомнинг дарди янгиланади, болалигини эслайди.

— Бир пайтлар тоғ йўлида отам билан боряпмиз. Ўшанда олти-етти ёшдаман, очлик йиллари. Отамга сира етиб юролмаيمان, отам бир булоқнинг бўйига ўтириб олдилар-да, ёнидан менга бир бурда тахта кунжара чиқариб бердилар. Мен кунжарани иштаҳа билан ейишга тушдим. Бу пайт отамнинг ўзи бир бурда арпа нонини сувга ботириб еганига кўзим тушди. Ўшанда арпа нони кўзимга дунёдаги энг ноёб нарсадек кўринди. Кунжара ейишдан тўхтадим. Отамдан озроқ нон беришини сўрадим. Отамнинг ғазабланганини ўшанда кўрганман. У киши менга қараб:

— Сен ёшсан, ҳозир тошни есанг ҳам ҳазм қиласан. Менчи, мен... Борди-ю, йўлда сен очликдан йиқилиб қолсанг, мен сени кўтариб манзилга етказиб бораман. Тўғрими? Агар мен очликдан йиқилиб қолсам-чи? Сен мени ҳеч қаёққа олиб боролмайсан. Негаки сен ёш боласан, кучинг етмайди. Унда иккимиз ҳам нобуд бўламиз, уқдингми? ...

Ўша-ўша отамга бошқа гап қайтармадим, энди ўйласам у киши тўғри айтган экан. Лекин, қани ўша отам...

Бобомнинг яраларига гўё туз сепган бўламан.

— Сизлар нон тўкин-сочин замонда ҳам оч қолдик дейсиз. У кунларни Худо кўрсатмасин...

Биз яна ўз хаёлимизга берилиб, йўл тортамыз, энди ақлимни таниганим учунми, бобомнинг сўзлари менга бошқача таъсир қилади. Болалик хотирамга муҳрланиб қолган боғ — бу Аваз калнинг боғи. Қанча йиллар ўтиб, яна ўша таниш боқча етиб келдик.

— Шу ерда тунаймиз, — дейди бобом. Итлар хура бошлайди. Дарё дод солади. Негадир бу гал Аваз калнинг тоғ-

ларни гумбурлатадиган овози чиқмайди. Момоқиз болалигимда айрон қуйиб берган қадрдон супа ёнига бобом билан бориб, уловдан юкни туширамиз. Қаердандир Момоқиз пайдо бўлади. Йўқ, у мен бундан ўн беш йил илгари кўрган Момоқизимга сира ўхшамасди. Кийиниши қаҳратонда қор босган дарахтни эслатарди. Юзларигача оқариб кетган, афтодаҳол аёл. У супага жой қилади. Бобом билан чиқиб ўтирамиз. Бобом атрофга аланглайди:

— Авазбой қани?

— Уйдалар, ҳозир...

Момоқиз гам чўккан кўзларини гуноҳкордек ердан узмайди. Ўтовдан қоқсуяк бўлиб қолган Аваз кал чиқади. Унинг қўлидан тутиб келаётган қизалоқда илгари учратган Момоқизимнинг ўтли нигоҳини кўраман. Гўё у Момоқизнинг нигоҳини ўғирлаб олганди...

— Аваз ака! — дея бобом қучоғини очади.

Аваз кал ёш болалардек ўзини бобомнинг бағрига отади. Хўнграб-хўнграб йиғлайди.

— Уйим куйди, Ўзбек. Уйим куйди... Боламдан айрилдим... Боламини дарё олиб кетди, Ўзбек. Дарёга нима ёмонлик қилувдим? Дарё менга ёмонлик қилди. Эҳ, номард дунё...

У ўкириб-ўкириб йиғлайди. Бу билан бир йўла Момоқизнинг ҳам дардларини кўзгайди.

— Онанг ўлсин, болам...

Момоқизнинг юракни эзиб юборадиган мунгли ноласи дарёнинг овозига жўр бўлади. Биз бобом билан карахт бўлиб қоламиз. Кейин билсак, Аваз чол ўғлини дарёга бериб, унинг ҳижронида кўзларидан айрилибди, шунинг учун қизчаси уни етаклаб юрарди. Бир вақтлар унинг қамалганидан қанчалик нафратланган бўлсам, бугун ёш бола каби хўнграб-хўнграб йиғлаётганини кўриб, ачиндим. Ахир унинг ҳам юраги бор экан-ку?! Ўз жуфтнинг қотили бўлган одам фарзанд доғини кўтаролмай икки кўзидан айрилиб ўтирса... Бу қандай синоат? Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Дарёнинг совуқ наърасидан баданим увишиб кетди. Биз туни билан Аваз чолга қўшилиб, айрилиқ азобини чекдик. Тонг ёришди. Тун қаро тўнини судраб, жуфтакни ростлади. Уйқусизликдан ачишиб турган кўзларим олдида ҳақиқий момо билан қиз пайдо бўлди...

УРУШ КЎРГАН ЧОЛЛАР

Тоғ йўлининг танобини тортиш машаққат... Ой тўлишган пайтда йўлга тушамиз. Негадир йўлимиз унмайди. Уловли ё пиёда, зим-зиё дара қўйнида тоғу тош оралаб ўрлаб бораверамиз. Йўл тугамайди. Қорли чўққиларга тутшиб кетган ёлғизоёқ йўл дармонни қуритиб, ҳолдан тойдиради, кўзларни толиқтиради. Дунё бошдан-оёқ йўл эканини фаҳмлайман. Юқорилаб борган сари осмонга яқинлашаман. Қўлим юлдузларга етгудек ҳаяжонланаман. Бобом негадир кечаси йўл юришни хуш кўрадилар. Эмишки, тунда юрганда йўл унади. Мен эса тошларга қоқилиб, даралар ёнбағридан, бир одам зўрға ўтадиган сўқмоқдан пастга қулаб тушишдан қўрқиб, тонгнинг отишини интизорлик билан кутаман. Фаройиб чўққилару, тоғнинг хушҳаво манзарасини ойнанинг ёруғида томоша қилиб бориш жону дилим. Аммо кечаси йўл юриш менга ёқмайди. Тошлар қоронғида Майсара момонинг ҳикоясидаги алвастидек тус олади. Афтидан, нуқул бир қирнинг атрофида айланиб юрганга ўхшаймиз. Уловдан узоқлашганим учун оёғим мўлжалдан адашиб, йиқиламан, қўлимдаги заранг таёғим учиб кетади. Бобом менга бургутдек қахрили нигоҳини қадайдди. Дарҳол хушёр тортаман. Бўшбаёв ҳаракатим унга ёқмаганини англайман. Бу галги ҳамроҳларимиз уруш кўрган чоллар. Уларнинг ичида уруш кўрмаган, даёвроғи Сафар биргад. «Жангчи» чоллар менинг қоқилиб-сурилиб юришимга парво қилишмайди. Бу улар учун одатий ҳол. Негаки, уларга тоғ йўлида ҳар йили қанчадан-қанча менга ўхшаган хом-хатала болалар ҳамроҳ бўлишади. Чоллар бизга ўхшаш гўр, тоғ йўлида пишмаганларни эндигина жангга отланган ёш жангчига ўхшатишса керак. Шилиниб, қонталаш бўлган кафтимга авайлаб тупроқ бо-

саман. Танам оғриқдан зирқирайди. Энди йиқилмасдан «жангчи» чоллар билан басма-бас юришга куч тўплайман. Аммо бунинг чораси йўқ...

Сафар биргаднинг ҳайқиригидан тоғлар гумбурлайди. Йўлимиздан кутилмаганда йиртқич жондор чиқиб қолмаслиги учун даралар қўйнида юрганда кимдир ҳар замонда овоз бериб туриши керак. Бу иш Сафар биргадга юклатилган. Чунки унинг овози баланд. Дарё бўйида яшагани учун ҳам ҳар доим баланд-баланд сўзлайди. Овозини илк бора эшитган киши унга нега бунча бақиради, деб ҳайрон қолиши тайин. Кўплар Сафар биргаднинг бобокалонини «калласиз» одам бўлган, дейишади. Бобом у воқеани менга шундай ҳикоя қилганлар: катта бобоси Аҳмадбойнинг тоғда жуда катта боғроғи бўлган экан. Тоғ йўлидан ўтиб кетаётган йўловчилар унинг уйига кўнмасдан ўтмас, кўнганлар боғидан бирон олма ёки ёнғоқними олмасдан кетса, ранжир экан. Аҳмадбой боғидаги тошсупага ўтириб, тўрт томонини қуршаган тоғларни обдан кузатишни хуш кўрар экан. Бир куни уйига яқин тоғнинг ёнбағрида чарақлаб турган қизғиш шуълага кўзи тушибди. Бунинг нималигига қизиқиб қолган Аҳмадбой юқорига кўтарилибди. Лекин у шуъланинг чиқаётган жойини аниқлай олмабди. Уч-тўрт марта қирга чиқиб тушибди. Пастдан кўринган қизғиш нур юқорига чиққанда йўқолар эмиш. Охири ўртача қовундай келадиган қип-қизил тош унинг диққатини ўзига тортибди. Тош устига бошидаги салласини қўйиб, пастга тушибди. Қарасаки, шуъла энди салланинг остидан чиқаётган эмиш. Аҳмадбой одамни шунчалар сарсон қиласанми, деб тошни уйига кўтариб келибди. Хотинига шу савил тошни деб, тўрт марта қирга чиқиб тушганини айтиб кулибди. Ажойиб тош экан, янги қураётган ўчоққа ишлатсак бўлади, дебди. Шундай қилиб у тош ўчоқтошга айланиб, воқеага нуқта қўйилибди.

Кунларнинг бирида Аҳмадбойникида бир чўпон йигит меҳмон бўлибди. Аҳмадбой меҳмон олдида топган-тутганини қўйибди. Ногоҳ чўпоннинг кўзи Аҳмадбойнинг ўчоғида товланиб турган тошга тушиб, салмоқланиб, сўзни узоқдан бошлабди:

— Аҳмад ака, сиздан бир арзимас нарса сўрасам йўқ демайсизми?

У меҳмоннинг сўзига ҳайрон бўлиб:

— Нима сўрамоқчисан, сўра, бўлса жоним билан, — дебди.

Меҳмон ўчоққа ишора қилиб:

— Шу ўчоққа қўйган тошингизга ҳавасим келди, шуни менга берсангиз.

Аҳмадбой кулиб:

— Шунга ҳам шунчами, келиб-келиб бир тош сўрайсанми, наҳотки, тош инсондан азиз бўлса, олавер, — деб у ўчоқдаги тошни кўпориб, чўпонга берибди.

Орадан йиллар ўтибди. Бир куни чўпон йигит бир сурув қўйни ҳайдаб Аҳмадбойникига келибди. У Аҳмадбойга: «Мана шу сурувдан хоҳлаганча қўйни ажратиб олинг, улар сизники. Сиз берган тош қимматбаҳо тош экан, мени бойитди», дебди. Аҳмадбой чўпоннинг гапига ҳайрон бўлиб кулибди:

— Шунга ҳам шунчами? Мен у тошни ўчоққа қўйгандим, сенга бойлик берган бўлса, ош бўлсин! Кўрмаяпсанми, тўрт томонимда бунақа тошлар тиқилиб ётибди.

Йигит Аҳмадбойнинг мардлигига қойил қолибди. Сўнг кўярда-қўймай сурувнинг ярмини унга қолдирибди. Аҳмадбой чўпон қолдирган қўйларни бева-бечораларга бўлиб берибди. Бундан хабар топган қишлоқ бойлари: «Аҳмад, калласи йўқ одам экан», деган гап тарқатишибди. Бобомнинг сўзларини эшитиб, чуқур ўйга толганман: Аҳмадбой ҳақиқатда калласиз одамми ёки бойликни назарига илмаган одамми?!

Бу саволнинг жавобини ҳанузгача ўйлайман...

Чоллар худди қўлига қурол ушлаб олган кишидек, таёқларига суяниб-суяниб юқорига кўтарилади. Илдамликда бир-биридан қолишмайди. Мен эса уларга ҳамроҳ бўлиб бораётганимдан мамнун ҳолда орқаларидан эргашаман. Нуқул бир қўлини бўйнига осиб, қишин-ёзин бошидан телпаги тушмайдиган Шотўр бобонинг қўлида таёғи йўқ. У таёққа суяниб юришни ёмон кўради. Қўлида доимо заранг ёғочдан ясалган қип-қизил халачўп олиб юради. Баданининг бир неча жойини ўқ илма-тешик қилган Шотўр бобони бобом яхши кўрадилар. Шотирўдликлар эса уни хушламагани учун «жинни чол» дейишади. Эмишки, у урушда қон кечиб юрган пайтлари газаби ошиб, душман қонини ичиб, юрагини

совитган экан. Бобом уруш кўрмаган одам, аммо қалбида уруш жароҳати қолган. Акалари Абдурахмон ва Сулаймон жангдан қайтмагани боис бир умр фашистнинг гўрига «ғишт қалаб» юради. Уруш кўрган жангчиларнинг юрагига ҳар замон-ҳар замонда қўл солиб кўрган бобом урушда ному нишонсиз кетган акалари ҳақида бирор илиқ сўз эшитишга ҳамиша илҳақ.

— Урушда қанча фашистни ер тишлатгансиз?

Бобомнинг кутилмаганда ёш болалар каби ўртага ташлаган саволидан «жангчи» чоллар каловланиб қолишади.

— Эй жинни, беш йил давом этган урушда ўлим билан ҳисоблашишни ким хаёлига келтирган! — Шотўр бобонинг жаҳли чиқиб, кўзлари ола-кула бўлади.

Тошбоев бошини сарак-сарак қилиб:

— Ука, уруш ўлдирган душманингни санайдиган майдон эмас. Одам тутдек тўкилиб кетаверади. Ўққа учрамай қолишингни ўйлаб, Худо деб юрасан.

Ҳамроҳларимиздан фақат бир «жангчи» унсизгина гап тинглайди. У урушда етти йил йўқолиб қайтган Ҳаким чол. Уруш ҳақида бировга чурқ этмайдиган бу одамни, сиз ҳам бирон нарса денг, деб ҳоли жонига қўймаганларидан сўнг гоҳ қизариб, гоҳ сарғайиб сўз бошлайди:

— У кунларни дўст-ку дўст, ҳатто, душманингниям бошига солмасин!

Ҳаким чолнинг узоқ қистовлардан сўнг айтган биргина сўзи шу. Бобомнинг гап-уловидан билганманки, Ҳаким чол фашистга асир тушган одам. Кўрган-кечирганлари ҳақида ҳеч кимга сўз айтмаслик учун немисгами ёки ўрисгами қасам ичган. Шунинг учун ўз «ваъда»сига вафо қилиб, «сир»ни бир умр ўзи билан олиб юради. У жанг таассуротларини жангда қолдирган, урушдан гап очилишини хушламайди. Биз тоғнинг узундан-узун сўқмоқларида эшакли — пиёда гурунг қилиб, тунимизни тонгга улардик. Тойхар¹ларимиз оғир юкдан инқиллай-инқиллай юқорига кўтарилади...

Йўл қоқ иккига бўлинганда «Жанггал»га етиб келамиз. Шундан биламизки, йўлнинг тенг ярмини босиб ўтдик ҳисоб. Бобом уловларнинг олдини қайтаришимни буюради. Мен қўноққа етиб келганимиздан қувонаман. Қоп-қоронғи

¹ Тойхар — кучга тўлган эшак.

бу боғ йўловчиларнинг дам олиш қўноғи ҳисобланади. Уловларимиз ҳам устидаги оғир юкдан қутулишини пайқагандек тақа-тақ тўхтайтиди. Юкларни тушириб, чиройли қилиб тахлаймиз. Бобом дами латта билан ўралган болтачасини олиб, Сафар биргад билан зим-зиё дарага ўтин қидириб кетади. Ҳақим чол қумғонларни олиб, дарёга жўнайди. Шотўр бобо эса ёғоч товоққа уч-тўрт сиқим унни солиб, бир кўли билан қориштиришга тушади. Афтидан, чўғда кўмоч пиширмоқчи. Негадир Тошбоевнинг вазоҳати ўзгаради. У ичи ковак бўлиб қолган бесўнақай чинор дарахти атрофида ниманидир излаётгандек аланглаб юради...

Ҳаял ўтмай бобом билан Сафар биргаднинг судраб келган бир дунё шох-шаббасидан ёқилган гулхан атрофни ёритади.

— Эҳ, бу дамларнинг завқига нима етсин! — дейдилар бобом. Биз гуриллаб кўкка интилган олов атрофида чордана қурамыз. Бу жойни ниҳондараликлар ўзларига қадрдон гўша, деб билади. Жазирама саратон пайтларида ҳам кўёш бу боққа киришдан ҳайиқади. Тоғнинг баҳаво жойи бўлгани учун йўловчилар қайси дарадан йўлга чиқса, албатта, кечаси шу ерга етиб келади. Кимдир вақтида барпо этган улкан боғнинг дарахтлари осмону фалак эгасига қафт очиб, ўтган-кетганга дуо бераётган мўйсафидга ўхшайди. Йўловчиларнинг эшаги учун беминнат озуқа майдонига айланган боғ бир зайл яшнаб туради. Бобом хуржунидан бир товоқ картошка олиб чўғга кўмади. Тоғнинг картошкасида бошқача таъм бор, айниқса, йўл юриб, ҳориб-чарчаган, қорин пиёз пўстига айланган вақтда чўғга кўмиб есанг. Йўл азоби — гўр азоби, дейишган боболаримиз. Аммо тоғнинг ана шу бир лаҳзалик роҳатидан йўлдаги чарчоқларнинг бутунлай унутилади.

Шотўр бобонинг чўғда тайёрлаган кўмочи-ю, бобомнинг кўмган картошкасини Рим пазандалари ҳам етти уҳлаб тушида кўрмаган бўлса керак, деб ўйлайман ўзимча. Унинг таъминини ҳанузгача соғинаман. «Жангчи» чоллар узоқ йўл юрганидан суҳбатнинг шашти пасаяди. Бобом эшаги учун олган хашакни менинг тагимга тўшайди. Унинг устидан эски чопонини ташлаб, ётишимга жой ҳозирлайди. Уловларимиз бу хашакни ой чиққанда ейди. Кейин яна йўлни давом эттирамиз. Бобом менга эртага ҳам йўл юриш кераклигини эсла-

тади... Ўзи эса уюлиб қолган чўғларни қўзгаб туриб, суҳбатдош «жангчи»ларнинг ҳам эски дардини қўзгайди. Бу гал бобомнинг қистови билан сўз навбати Тошбоевга келади. Урушдан кейин бир неча йил колхозда амалдор бўлгани учун тоғликлар ҳурматиани жойига қўйиб Тошбоев дейишади. У уруш тугаб, қайтишида юз берган воқеани эслайди:

— Беш йил қон кечдик. Э ука, у кунлар бизларга чин, сизларга ёлгон! Одам очликдан ўлмас экан, югураверишдан силламиз қуриб қолганди. Охири, душманни енгдик, кейин денг, бир дунё орден-медаллар билан Ватанга қайтдим. Оёқларимда фашистнинг ноёб хром этиги гирчиллайди. Гўё ер инграётгандек бўлади. Ичимга сизмаган қувонч билан юртга қайтдим. Ўзимни зўр жангчи бўлганимни тоғликларга қўз-қўз қилишни хаёлимдан ўтказдим. Жангда олган орден-медалларимни яп-янги ҳарбийча кийимимга қатор қилиб тақдим. Ҳарбий билет билан жангда берилган ҳужжатларни ҳамёнга солиб, йўлга тушдим. Тоғ йўлида кийимларим кир бўлишни ўйлаб, эскилари билан алмаштирдим, янгиларини халтага солдим. Уни манзилга етиб олгач, кийишни хаёлимдан ўтказдим. Якка-ёлғиз бир ўзим тоққа чиқиб боряпман, қўзларимдан учқун учади. Гўё бу дарада мендан зўр одам йўқдек. Ярим тунда анави ўн қадам нарида турган ичи ковак чинорнинг тагига етиб келганман. Энди бу ёғи тинчлик деб, кийимларим солинган халтага бошимни қўйиб ухладим. Анчадан бери бундай маза қилиб ухламаган эдим. Юрт тупроғи исидан маст бўлиб қолибман. Тонг саҳар уйғониб қарасам, бошимга қўйилган халта йўқ. Беш йил урушда юриб бундай ноқулай ҳолатга тушмаганман. Тўрт томоним кимсасиз тоғ, бирон жонзот кўринмайди. Кимдан гумон қилишни билмайман. Овозимнинг борича ҳайқариб боряпман. Тоғлар ҳам менга қўшилиб дод солаётгандек, садо беради!

— Болаларингизнинг яхшилигини кўринглар, кийимларимни ким олган бўлса ҳам мингдан-минг розиман, фақат ҳужжатларим билан орден-медалларимни қайтариб берсаларинг бас, — дея овоз чиқариб чор атрофга ёлвораман! Қани додимни биров эшитса-ю, мен олдим, деса. Беш йил урушда қилган хизматларим Тўполон дарёга оқди. Шотирўдликлар олдига бошимни ҳам қилиб бордим. Мақтагулик ҳеч нарсам йўқ эди. Бўлган воқеани одамларга айтишга уялдим.

Ор ёмон экан, бир зумда тилим қисиқ бўлиб қолди. Фашист-ни енгиб, қанча оловлардан омон қолган жангчи — бепарволигим оқибатида бир кечада мағлуб бўлдим. Инсон тақдирини баъзан шу бир парча қоғоз ҳал қилар экан. Урушнинг тугаганига қанча йиллар ўтган бўлса-да, мен собиқ жангчилар сафида мағлубиятга учраган одамдек бошимни эгиб юраман. Ҳукуматнинг барча имтиёзларидан маҳрумман. Урушдан кўрқиб, бир қўлини шартта болта билан чопиб, ўз қонини тўккан Насим чолдан нима фарқим бор. Насим балки ўшанда тўғри қилгандир. Бировлар қонини тўккандан кўра ўз қонини тўкиб қўя қолди. Ўзини оқлаш мақсадида бир қўли билан тоғда бепоён боғ барпо қилди... Урушда қанча бегуноҳ одамлар қони тўкилди. Урушни англаб етмаган йигитларимиз жувонмарг бўлишди. Аканг Сулаймон ўшанда ўн олти ёшда эди. Тоғ одами бўлгани учун кўзга жуда салобатли кўринарди. У урушга кирмасдан туриб юраги ёрилди... Қўй, Ўзбекбой иним, дардимни янгилама, урушнинг уйига ўт кетсин!..

Гулхан атрофида чой хўплаб, кўзларидан дув-дув ёш оқаётган Ҳаким чолни кўриб, беихтиёр менинг ҳам кўзларим ёшланди. Уйқум қочди. Балки Ҳаким чол дилида йиллаб йиққан дарду ҳасратларини ўз кўз ёшлари билан юваётгандир. Шотўр бобо ярадор қўлини оловнинг тафтига тоблаб, жангга ҳозирлик кўраётган жангчидек атрофга аланглайди...

Борган сари гулханнинг шашти пасайиб борарди. Бобом ҳам энди на чолларни, на гулханни кўзгайди. Чунки у илк марта Тошбоевдан акаси ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни билиб олган эди. Оловнинг чўғи пасайди. «Жангал»ни зулмат қоплади. Қоронғида кўксини кериб турган тоғлар назаримда ойнанинг гира-шира ёруғида қўққисдан бостириб келаётган ёвга ўхшаб кўринарди. Сафар биргаднинг бегубор хурраги дарёнинг овозига жўр бўларди. Чоллар жанг майдонида яраланган жангчилар каби ҳар жой-ҳар жойда пала-партиш қотиб қолишганди. Фақат биргина «жангчи» ўша кеча ухламади, у Тошбоев эди. Унинг яраси бошқаларникига ўхшамасди. Неча маротаба совқотиб уйгонган бўлсам, Тошбоев бир нарчасини йўқотган одамдек, гулханнинг чўғини ковлаб ўтирарди. Назаримда у ниманидир излаётганга ўхшарди...

СҮНГГИ ҰЛЖА

Күк шу қадар тиниқ эдики, Эгамберди мерган наздида осмон чўққиларга михланиб қолгандек, йўқ-йўқ, чўққилар осмон бағрини тешиб киргандек туюлади. Ёлғизоёқ сўқмоқ бўйлаб дарадан ўтаётган овчи хаёлини ана шу ўйлар банд этганди. Ови бароридан келмаган мерганнинг кўнгли гаш. Фаш хаёллар уни денгизда адашган қайиқдек гоҳ у, гоҳ бу ёққа олиб қочарди. У кечгача оч бўридай қирма-қир изғиди. Ҳар бута ё арчани паналаб, атрофни кузатди, қулоғини динг қилиб, бирон овоз ё шарпани эшитишга уринди. Бари бефойда. Негадир биттаям кийикни учратмади. Илгари тўсатдан ўтлаб юрган кийикка кўзи тушиб қолар, ҳеч қурса шундоқ ёнгинасидан какликнинг пир этиб учганига дуч келарди. Энди бўлса...

Хуфтон кўнглига чироқ ёқса ҳам ёришгудек эмасди. Гўё тоғу дараларни кезган кийиклар овчининг исини сезиб, қаёққадир гойиб бўлганди. Эгамберди мерган умр бўйи кийик овлади. Мерган номини олди. Эгамберди дейишса қишлоқдошлари елка қисисар, токи «мерган» сўзини қўшмагунча танишмасди. У авваллари шунчаки ҳавас ва кўнглини хушлаш ниятида унда-бунда бекор пайтлари тоғу тошларга кийик овига чиқарди. Бора-бора бу ҳавас одатга айланди. Энди у қўлига милтиқ олмаса туropolмас, ҳаётида маза туймайдиган даражага етиб борди. Шу-шу одати хумор бўлиб қолди. Бир нарсанинг хумори тутса ёмон экан. Эгамберди мерган учун ов олдида дунё ҳам кўзига кўринмас, ов қилмай қўйганда вужудида ғалати ҳис уйғонарди, бу ҳисни овдан бошқа нарса босолмасди. Уйига кийик отиб қайтиш, унинг гўштини тановул қилгандан кўра кўпроқ лаззат бағишлар ва бу лаззатни дунёнинг унча-бунча лаззатига алишишни истамасди.

Қишлоқдошлари ҳам Эгамберди мерганнинг бу қилигига кўникиб, унда-бунда кўзлари тушиб қолганда ҳам ҳайрон бўлишмасди. Мерган овчилик ҳаётида кўп воқеаларни бошидан кечирди. Неча марта ўлимга чап бериб, неча марта ажални айланиб ўтди. Энди-энди у кунларни эсласа, юраги орқага тортиб кетар, наҳотки, шунчалик даражага етган бўлсам-а, дея ўзига-ўзи ишонмасди. Эгамберди мерган овга чиққанда унча-мунча овчи унинг олдида ип эшолмас, у билан мусобақа қилишга журъати етмасди. Тоғликлар удумига кўра, овчиликдан воз кечмоқчи бўлган мерганлар «милтиқ кўмди» маросимини ўтказди. Шундан кейин қанча-қанча мерганлар қўлига зинҳор яроғ ушламайди ва шу удумга риоя қилган ҳолда оламдан ўтиб кетади. Лекин Эгамберди мерган бундай қилишни ҳаёлига келтирмасди. Ов қилмай қўйса, гўё ҳаёти остин-устун бўлиб кетадигандек қаттиқ ҳадиксирар ва бундай ўйни бошдан қувиб чиқаришга уринарди. У қуруқ қўл билан уйга қайтишни овчилик шаънига ор деб биларди. Ўзи эса овга чиққандан буён бирон марта ўлжасиз қайтганини эслаёлмайди. Бугун эса...

Ҳар доим ўлжа билан қайтишга одатланган мерган қоронғи тушишини пойлади. Эшагини боғлаб қўйган арча ёнига борди. Иложи борича қишлоққа кечроқ кириб боришга аҳд қилди. Чунки унинг ўлжасиз, сўппайиб қайтганини кўрган қишлоқдошлари олдидан ўтганда мазах қиладигандек, ҳолинг шу экан-ку, ҳайф сендай мерганга, дейдигандек туюларди. Шунинг учун уйга қайтиш унга азобга айланди, юрган йўли унмас, гўё оёғи ҳам ўзига бўйсунмаётгандек, етаклаб олган эшаги ҳам гоҳо ўзидан ўзиб кетаверарди. Қишлоққа яқинлашганда кеч кирди. Тоғ чўққилари оқшом тусидан баттар қорайди. Уч-тўрт қадам нарини кўриш қийинлашди. Яхшиямки, кеч қайтгани. Уйига яқинлашгунча ҳеч ким дуч келмади. Шундай қилмаса кечаси билан уйқуси қочиб, ор-номусдан ўзини бир нарса қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди! Эшак шарпасини сезган кампири одатдагидек пешвоз чиқди. Қарадики, чолининг авзойи бузуқ. Шашти паст. Эшак устидаги хуржуннинг бўм-бўшлигини кўрганда баттар ажабланди. Кампирнинг қўллари ҳавода муаллақ қолди. Негаки, у ҳам хуржуннинг бўш қайтишига сира одатланмаган. Эрига ажабсиниб қараши шундан. Эгамберди мерган билан бир ёстиққа бош қўйгандан бери, овга чиққан эрини

бу алфозда кўрган эмас. Кампири ҳар гал чоли ордан қайтганида эшакка юкланган кийик гўштини туширишга кўмаклашиб, дарҳол қозон-товоққа уннаб кетарди.

— Бугун ов куни эмас экан, — деди мерган ижирганиб уловини қозиққа боғлар экан. — Эрталаб бир ювуқсизга кўзим тушганди. Дунёни айланиб чиқдимки, кийик зотини кўрмадим. Эскилар бежиз бир ювуқсиз одам кўчадан ўтса, ер титрайди, барака қочади, дейишмаган экан.

Эгамберди мерган оғир уҳ тортди, чуқур-чуқур нафас олди. Негадир аламини босолмасди. Кўзлари олдидан кийиклар галаси югуриб ўтаётгандек хушёр тортди. Кампир дастурхон ёзиб, бир коса қаймоқни унинг олдига қўйди.

— Сайидберди қани? — дея овчи аёлини тергашга тушди.

— Кўшнининг уйига ўтган эди, — деди кампир бепарвогина.

— Нима қилади кўшниникига чиқиб, алламаҳал бўлса. Хотинларга ўхшаб гап сотгани чиқдимми?

— Билмасам.

— Бу боланг қулоқсиз бўлиб чиқди. Кўчада гийбат қилиб юришдан бошқа ишга ярамайди. Эркаклик сиёғи йўқ. Шунинг учун ҳам уни овга олиб чиқмайман. Ўзида бир қизиқ иш бўлмаса қийин экан.

— Бир ками ўғлингиз ҳам сизга ўхшаб умрини қирмақир ўтказиши қолувди...

Эгамберди мерган бу гапдан оғринди. Ич-ичидан газаби тошди. Бироқ ўзини босишга уринди. Кампирнинг нима демокчилигини тушунгандек, бироз ўйланиб деди:

— Овга мен эмас, у бориши керак. Мен энди ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим. Балки шунинг учун ҳам бугун ўлжасиз қайтгандирман...

Эгамберди мерган бошқа ҳеч овга чиқмади. Қариликни тан олди. Гўё тоғларда унинг учун ўлжа қолмагандек эди. Милтигини ўғлига берди. Овни энди сен қиласан, деди. Отасининг моҳир мерганлигини билса ҳам ўғли унга эргашиб овга чиқмас, тоғларда юришни унчалик хуш кўрмасди. У отасидан милтиқни истар-истамас олди. Отаси юрган тоғу тошларни айланиб, отасидек кийик отиш ниятида юрди. Лекин ҳар гал ордан уйига бўш қайтиб келарди. Ҳар замонда хашаки дарранда-парранда овларди, холос. Бундан Эгамберди мерганнинг хуноби ошди. Бир марта суғур кўтариб келган ўғлига ўшқариб берди.

— Бу ҳаром суғур гўштини бошимга ураманми? Кийик овласанг ўласанми, аҳмоқ!

Ўғил отасига нима дейишни билмас, бирдан топиб олган сўзи (уни ҳам кимдандир эшитган) «суғур гўшти дори-ку», деб қўярди. Шу тариқа йиллар ўтди, Эгамберди мерганнинг борган сари жуссаси кичрайиб борар, қўлларини қалтироқ тутадиган, қоматини ҳам бироз эгиб юрадиган ҳолга етди. Қариллик ўз ишини қилганди. Хаёлидан кечагина кийикларни қувлаб юргани бир-бир ўтар, шуни эслаганда кўнгли алланечук ҳаприқиб кетарди. Ҳар замон-ҳар замонда кўнгли овга чиқишни тусаб қоларди. Чунки умри бино бўлибдики, уйда кам бўлар, сўраб келганлар ҳам анча кун овора бўлишарди. Мерган бир гал ўғлининг овдан қуруқ қайтганига чидай олмади:

— Сен қачон мерган бўласан? Лапашанг. Бунча ношуд бўлмасанг. Эркакмисан ўзи? Ов қилишга ярамасанг. Менинг пушти-камаримдан тушганга ўхшамайсан.

Мерган ўғлига атайдан аччиқ гапирди. Шу билан ўғлининг овга ҳирсини уйғотишни мўлжал қилди. Ўғил эса димоғида пўнғиллади.

— Тоғдаги ҳамма кийикни қириб тугатган бўлсангиз, мен нима қилай?

Шу-шу у ўғлига бошқа гапирмади.

Кунларнинг бирида кўнгли кийик гўштини тусаган мерган тўсатдан кампирига қараб:

— Кулча қил, мен овга чиқаман, — деди. Кампири қариб қуюлмаган чолининг гапидан кулди. Бу билан у мерганни мазах қилгандай бўлди.

— Ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақти-соати бор. Сизнинг ов қиладиغان даврингиз аллақачон ўтиб кетди.

Илгари тик қарашга ботинмасди. Шу нарса мерганга алам қилди. Ўша кеча ухламай чиқди. Тонг саҳарда ўғлини чақирди:

— Эшакнинг айилини торт, — деди овози қалтираб.

Ўғил эшакни шайлаб, отаси олдига келтирди. Мерган имиллаб унга минди. Илгариги шашти қайда. Унинг бутун фикр-зикри Жангоҳ тоғи томон қаратилган эди. Ота-бола йўлга тушишди. Мерган эшакнинг бошини у ёққа бур, бу ёққа бур, дея танбеҳ бериб борарди. Ниҳоят, Эгамберди мерган навқирон йигитлик пайтлари овга чиққан Жангоҳ тоғи ёнбагрига етиб борди. Бу тоғда юриб қанчадан-қанча

кийикларни отганини, бошқа мерганлар бу тоғда ов қилол-маслигини бир-бир хотирасидан ўтказди. Овчи ўғлига эшакни тўхтатишни буюрди.

— Кўряпсанми, ҳув анави баланд чўққини, ҳозир яёв шунга чиқиб борамиз. Тойхарни арчага боғлаб қўй. Мени орқалаб ўша тоққа чиқасан?

Сайидберди бир отасига, бир қирга қаради. Қир анча тик ва баланд кўринарди. Бироқ у эшакни боғлаб, отаси айтганларини қилишга мажбур эди. Мерган ўғлига: «Шамолга қарши юрсанг, одам иси сезилмайди», деди. Ниҳоят, ота-бола юк-сак чўққи устига чиқиб олишди. Сайидберди қирга чиққунча қоп-қора терга ботди. Юришга ҳоли қолмади.

— Энди эмаклаймиз, — деди мерган.

Ота олдинда, ўғил орқада, эмаклаб чўққининг ёнига ўтишиди. У кийиклар ўтлайдиган жойни биларди. Ҳозир ўзигина биладиган сир, кийиклар қўтонидан илк бора ўғлини воқиф қилаётган эди. Бирдан сал нарироқда кийиклар ўтлаб юрганини кўриб қолишди. Бир кийик қаққайиб атрофни олазарак кузатарди. Сайидбердининг кўзлари чақнаб кетди. У биринчи марта кийикларни яқиндан кўриши эди. Шошиб қолди. Ёнида турган отасини бутунлай унутиб қўйди. Харсангга ёнбошлаб, чор тарафга ҳадиксираб қаратган охуни мўлжаллаб ўқ узди. Буни ҳатто отаси ҳам сезмай қолди. Кийик бир сапчиб, қулаб тушди. Сайидберди кийик томон югурди. Қолган кийиклар хатарни сезиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар. Сайидберди кийик бўғзига шоша-пиша пичоқ тортди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Кийик отганидан қувончини ичига сиедиrolмасди. Бирдан отаси эсига тушди. Дарҳол у томон югурди. У отасига яқинлашар экан:

— Мен отдим. Кийикнинг зўрини отдим, — дея қичқирди. Ота эса жавобсиз эди. Сайидберди отасининг кўзларидан шашқатор ёш қуюлаётганига ҳайрон қолди.

— Сизга нима бўлди, ота? — сўради у.

— Нега ундай қилдинг? Ахир у менинг ўлжам эди-ку. Сен менинг ўлжамни отдинг. Менинг сўнгги ўлжамни...

Сайидберди ҳеч вақони тушунолмагандай отасининг қаршисида ҳангу манг қолди. Жанггоҳ тоғидан бор умидини узиб, ўлжасиз, бир бурдагина бўлиб қайтган Эгамберди мерганнинг тунда жони узилди...

ТОҒЛАРГА ДИЛ БЕРГАН ДЕВОНА

Тоғларнинг бошини қора булутлар ўради...

Ҳаял ўтмай қулоқни қоматга келтириб, гўё тоғдаги тошлар кўчиб тушаётгандек момақалди роқ гулдиради. Дафъатан чақнаган чақмоқ шамшири булутлар бағрини тилкалади. Гоҳида эса чақмоқ липиллабгина қолар, худди тоғларга ўғри оралагану, кимдир уни фонус ёқиб қидираётганга ўхшарди. Девонанинг хаёлини тоғлар ўғирлади...

Ўзи жуда галати одам. Шотирўдликлар унинг беўхшов хатти-ҳаракатларини билгани учун ҳам «девона», деб аташарди. Булутларни ҳайдаб юрган шамоллар тоғларда янги униб чиққан каврак исини қишлоққа ёйди. Бунини элдан бурун унинг димоғи туйди, туйган сари кайфияти кўтарилди.

— Бай-бай-бай! Қудратингдан айланай Худойим, тоғларга яна кўклам келди... — дея ҳаяжонини ошқор этди.

Гўё баҳор келганидан қишлоқ аҳли беҳабар қолгандек, у ҳаммадан суюнчи олмоқчидек кўчаларда югуриб кўнглини ёрди.

Одамлар аллақачон ҳаммасидан хабардор бўлсалар-да, унинг кўнгли учун ҳайратланишди. Эртаси у ҳеч кимга билдирмайгина қишлоқдан ғойиб бўлди. Бунини эшитган қишлоқдошлари ҳам кўч-кўчга тушди. Қишнинг узун тунлари уларни зериктирганди.

— Девона биледи, — деди Бозор Қодир ишонч билан. — Унинг ҳисоб-китоби бор...

Мана шу бир оғиз сўз ҳамма учун кифоя, «Девона биледи». Тоғликлар орасида эрта баҳордан тоғларга чиқиб, гоҳ кеч кузгача кўринмай юрадиган кишилар бор. Улар тинимсиз боғ барпо этишади. Бундай ташвишлардан фақатгина бир одам холи, ў ҳам бўлса девона...

У кун буйи қир-адирларда ёлғиз изғиб юради, нима учун юрганини балки ўзи ҳам билмайди. Саксонни қора-лаб қолган қариянинг афт-ангори, кийим-бошига қараган киши бу жулдур одамдан ҳайратланиши аниқ. Эғнида эски чакмон, бошида йиллар офтобидан ранги униққан салла, оёқларида юравериб адои тамом бўлган икки тус пойафзал. Турган-туриши-ю, юрган-юриши галати бу одамни тоғда учраган киши борки, унга ачинади. Белига заранг дастали болтачани қистириб, тоғларга чиққанда бир зайл шох кесиб, ўзи юрган изларга тортиб юради. Бир йўла қолдирган изларини супуриб кетаверади. Гўё дунёдан исзиз ўтмоқчидек. Унинг бу ишини ҳеч ким тушунмайди...

Бу дарага жуда кўп одамлар келиб кетишган, лекин бу-нақасини ҳеч ким кўрмаган эмиш...

Минг йиллар берисида тоғларни макон этган шотирўд-ликлар баланд тоғлар бағрида ҳаёт кечиради. Бунга азим ёнғоқзорлар гувоҳ. Қишлоқ аҳли қадимдан бир сўзли, кенг феъл ва жасур, қанча заҳмат бўлса кўтаради. Шундай баланд тоғнинг гурури осмон одамлари қилдек ноҳақликка чидай олмайди. Негадир девонанинг галати қилиқларини гоҳида англамай қоладилар. Тоғликлар эчкини шайтон дейишади. Бу бежиз эмас. Шайтон бўлмаса беҳисоб кенгликлар қолиб, девонанинг сурувидан ажраган беш эчки бора-бора одам оёғи етмайдиган тоғнинг қати¹га тушиб қолармиди. Бундан хабар топган девона қатга тушиб, эчкиларни олиб чиқишга кўп уринди, аммо эплай олмади. Эчкилар гўё ўз оёғи билан тузоққа тушганди.

Сўнг у иложсиз қолиб, қишлоқ оралаб, биттагина бўзбола беринглар, дея одамлардан ёлворганча ёрдам сўради.

Ким ҳам бешта тирриқ эчки учун жонини гаровга қўярди. Қишлоқ аҳли эчкидан умидингни узавер дегандек, унинг илтижоларига лоқайд қарашди. Гапнинг индаллосини Қосим мерган айтди:

— Ота, бунинг осон йўли, — деди мерган кўзлари чақнаб, — беш дона ўқ, пақ этиб отамиз, олам гулистон, ҳам-манинг оғзи мой...

¹ Қат — тоғнинг тушиб бўлмас табиий ёриғи.

Қосим мерганнинг гапидан девона сесканди. Назарида бу одам, ҳозир эчкиларга қўшиб ўзининг омонатини ҳам олишга тайёрдек туюлди. Бадани увишиб кетди.

— Йўқ... Йўқ... — деди овози титраб, — чиқса ўзлари чиқар, чиқмаса ўша ерда ўлиб кетсин, жонлини жонсиз қилиш гуноҳ...

У қишлоқдошларидан умидини узди. Айниқса, Қосим мергандан қаттиқ ранжиди. Уч боғ хашакни елкасига олиб, қатда ётган эчкилар бошига борди. Сўнгги пайтларда у анча толиққан, тоғлар кун сайин куч-қувватини тортиб олаётгандек эди. Қирга олиб чиққан хашаги кўзлаган жойга тушмай, ҳар ёққа сочилиб кетарди. Тадбирдан муроди ҳосил бўлмаслигига ақли етгач, тушкун кайфиятда изига қайтди. Оёқлари унга бўйсунмасди. Гарчи бир сурувдан зиёд моли бўлса-да, мол сўйганини ҳали биров кўрмаган. Бу телба чол жон талвасасида ётган қўй-эчкилари тепасида мункайиб кунни ўтказгани, жониворнинг бўйнига пичоқ тортишни хаёлига ҳам келтирмагани кўпларни ажаблантирган. Одамлар шу боис уни «нон емас»га чиқаришган.

Тоғ бошида саҳар мардонда пайдо бўлган ғажирларнинг беўхшов хатти-ҳаракати девонанинг кўнглига таҳлика солди. Қатда ётган эчкиларнинг вақт-соати тугаганини сезган бу ўлаксахўр қушлар панжаларини ёзиб чарх уришар, гўё улоққа тушган чавандозлардай пайт пойлашарди. Ғажирлар тўй қилишди.

Девона йиртқич қушларнинг қийқириқларини, ўлжани юлқилаб-юлқилаб узиб таллашишларини узоқдан ғамгин кузатиб ўтирди. Ичидан нимадир узилиб кетгандек бўлди. Қўлларини совуқ сувга ювиб, этагига артди. Одамдан омад юз ўгирса ёмон экан. Бир пайтлар отини айтиб чақирса югуриб келадиган эчкилари, бугун соғиш учун келтирган хумни кўрса шаталоқ отиб қочгани-қочган... Аёлининг дунёдан ўтганига кўп йиллар бўлди. Лекин танҳолик унинг қаддини буколмади.

— Хотин зоти мўрт келади, — дейди баъзан бу ҳақда сўраганларга. У қолган гапни айтмаса ҳам қишлоқдагиларга унинг ҳикояси ёд бўлиб кетган...

Девона эрта тонгда туриб қирга чиқди. Унинг қирга чиқиб бораётганини Тошбиби кампир кўрди. Белида ҳануз

ўша болтача, афтидан ухлаганида ҳам болтачасини белидан олмайди. Таниш қоялар, беш бармоғидек ёд бўлиб кетган йўл. Бу йўлларда ҳеч ким унингдек кўп юрмаган. Биров «Девонанинг деви бор деса», яна биров «Тоғларда яширган хазинаси бор» дейди. Тоғлардан ўзга дўст топмаган қария совуқ тошларга кўнгили берди. Тоғлар билан овунди. Юрагини чўққиларга ёрди ва шу кетишида Пирях чўққисининг этагига етиб борди. Девона бу чўққига чиқиб минг йиллардан бери ястаниб ётган музларга кўз тикиб, Оллоҳнинг мўъжизасидан ҳайратланарди. Қизик, бу музликларнинг эриганини биров кўрмаган. Девона музликлардан бир нималарни ўрганмоқчи бўлади. Унинг болалиги шу қирларда кечган. Ҳаммасига омонат сабаб, қаёқдан ҳам уни бўйнига олди-ю, шу куйга тушди. Тинчлигини йўқотди. Қадрдон исмидан жудо бўлиб, «девона» номини орттирди. Девонадан эса Девона бобо даражасига кўтарилди. Гарчи тақдирнинг аччиқ ҳазилларига кўникиб кетган бўлса ҳам, аммо нимадир умр бўйи юрак бағрини эзарди.

Одатда совуқ хабар ва миш-миш жуда тез тарқайди. Лекин унинг қутилмаганда ғойиб бўлганини ҳеч ким сезмади. Мана ўн кундирки, ҳувиллаб ётган кулбасида чироқ ёнмайди. Ниҳоят, тоғбеги одамларни йиғиб ўшқирди.

— Мол йўқотсак қидиришга тушамиз, одам йўқолибди, нега ҳамма жим!

Йиғилганлар бошини эгишди.

— Ўн кун ўтган бўлса, ё тоғдан учган ёки бирор жондорга йўлиққан, — деди Қосим мерган билагонлик қилиб.

— Барибир, қидириб кўриш керак-да... Тириги бўлмаса ўлиги топилар, нима деган одам бўламиз?! — ўдагайлади тоғбеги.

Тоғбегининг даъвати қишлоқ аҳлини оёққа турғизди. Девонани қидиришга тушган гуруҳга Искандар мерган бош бўлди. Тоғ мерганлари ҳатто кийикларни ҳам изидан таъқиб қилиб, излаб топишади. Аммо ғойиб бўлган қарияни топиш осон кечмади. Чунки унинг излари йўқ. Тоғлар уни қучоғига яшириб қўйгандек унсиз турарди. Қидирувнинг учинчи куни Искандар мерганнинг дурбинида узоқдан бир қора кўринди. Солор чўққисининг тепасида Пирях тоғи би-

лан юзма-юз турган томонида одам ётгани аниқланди. Бу ўша, деди мерган қувончини яширолмай. Дурбинда кўринган чўққи анча баланд ва тик эди. Арчазорларни оралаб бораётган Искандар мерган бундай чўққиларнинг кўпига чиққан, Жангтоҳ тоғида бир йўла учта айиқни тинчитгани учун мерган номини олганди. У чўққига биринчи бўлиб чиқиб борди. Дурбин панд бермабди. Девона топилди. Ёнида бир боғ шох, белида заранг дастали болтача, нурсиз сўник кўзларини Пирях тоғига тикиб ётган қариянинг аҳволи ботишга маҳкум қуёшни эслатарди. Ўн уч кун ичида гўё ўн уч йилга кексайгандек эди. Искандар мерган шошиб белбоғидан нон билан сув солинган идишни олди. Мехрдан Девонанинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. Қишлоқдошлари уни ёш боладек елкалаб қишлоққа тушишди. Тўкилиб қолган тош кулбаси бунёд бўлиб бунча одамни кўрмаганди. Ҳол сўрашга келмаган одам қолмади. Қария ёлғиз эмаслигини билди. Аммо дарди кундан-кун оғирлашиб, аллақандай киши билмас оғриқ уни ич-ичидан адо қиларди. У чор атрофга олазарак тикилиб, ниманидир қидираётганга ўхшарди. Атрофдагилар унинг охирига нафасда айтадиган сўзига интиқ туришарди. Негаки, у қишлоқдошлари учун аллақачон «сирли» одамга айланган эди. Ниҳоят, у кутган одам келди. Қишлоқда катта-ю кичик бирдай ҳурмат қиладиган нуроний Амир оқсоқолдан у бир неча бор танбەх эшитганди. Оқсоқол қишлоқ аҳлини ҳар доим ҳаром-ҳалолни ажратишга даъват қилар, бировнинг молидан ҳазар қилишни бот-бот уқтирарди. Аммо бу сўзлар ҳаммага бирдай ёқмаслигини ўзи ҳам сезиб турса-да, насихат қилиш оқсоқол учун одатга айланиб қолганди. Девона кўзларини катта-катта очди. Гўё уйқудан уйғонган кишидек Амир оқсоқолга ўйчан тикилди, юзи ёришди. Оқсоқол Худодан беморга шифо тилаб, кафтларини юзига тортди. Атрофдагиларга кўз югуртириб, девонага юзланди. Умрини қирларда ўтказган бу мажнун-ваш чолнинг сарғайиб кетган юзи кузда дарахтлар шохини тарк этишга шай турган заъфарон япроқларни эслатарди. Тинимсиз елиб-югурган кишининг муштдеккина бўлиб қолгани, нафас олишга қийналиб ётгани ўтирганлар раҳмини келтирди.

— Ҳазратқул ака, соғлигингиз яхшими?

Унинг болаликдаги қадрдон исмини ёлғиз мана шу оқсоқол эслаб қолганди. Исмини эшитиб девонанинг бадани жимирлаб кетди.

— Худога шукр, тузукман, — дея ғамгин пичирлади.

Амир оқсоқол ўтирганларнинг дилидагини уқиб олгандек сўз бошлади:

— Қирларда юриш ёшларнинг иши, биз энди қаридик. Тўрт кунлик қолган умримизга беш вақт буюганини ба-жариб ўтирсак, шу ҳам катта давлат. Ё тоғларда яширган хазинангиз борми? Қачон қарамай, қирма-қир изғийсиз. Одамзод ўз жонини ҳам ўйлаши керак-да! Оқсоқол тик гапирадиган одам, сўз мўлжалга аниқ тегди. Атрофдагилар сергакланди. Улар ҳам худди шу сўзларни айтишга қийна-либ турганди. Девона жонланди.

— Муллазода, — деди кўзларини пирпиратиб, — сўзларингиз ҳақ. — Яратганнинг қарзларини адо этишдан улугроқ амал йўқ. Одам боласи ўз нафсини тийиши керак. Эл бошидан қанча бало-қазолар кечди. Ўлат, уруш, оч-лик... Одамзод синов учун яралган экан. Узилган киприк-нинг кўзга санчилиши ёмон. Хотиним қазо қилгач, ёлғиз ўзим шу хувиллаган ҳовлида қолдим. Қанотидан жудо бўлган қушнинг ҳолатини эсланг. Усиз ҳовли мени ўз қомига тор-тарди. Тоғларга чиқдим. Дунёни баланддан кўргим келди. Пастда одамлар мени «телба» деб оёқ учида кўрсатишган-да, тоғлар бошига кўтарди. Тўртта эчкимни олиб, қирма-қир юрганимда ғамларим ариди. Эҳ-ҳе, мен сўзламай, сиз-лар эшитманглар. Ҳаётнинг шафқатсиз синовларида чиниқ-дим. Бой ва муллоларни қулоқ қилган йиллари бир бадавлат одам бир тўп молини менга омонат қолдирганди. Юртга қайтиб келсам берасан, деб айтганди. Мен унинг қайти-шини кутдим. Йилларни йилларга улаб кутдим. Эчки аж-риқнинг уруғи экан, кўпайиб бораверди. Берган омонат-ларини кўпайтириб кутдим. Омонатга хиёнат қилмадим. Омонатбон бўлдим. Жулдур кийиб, девонага айландим. Одамлардан кўрқдим. Омонатни тоғларнинг тепасига олиб чиқдим. Тоғларга ишонса бўлади. Мен бой эмас, Омонат-бонман. Омонат қолдирилган эчкиларни сўйиб ейишдан ҳазар қилдим. Охиратда ҳисоб беришдан кўрқдим. Одамлар эса менинг устимдан кулишди...

Уни эшитиб ўтирганларнинг қиёфаси ва юз-кўзларида ўзгариш юз берди. Девонанинг ич-ичига ботган кўзларидан шашқатор оқаётган ёш унинг саргайган юзи ва соқолларини бетиним юварди. Амир оқсоқолдан тортиб ҳамма бирдай карахт бўлиб қолганди.

— Омонатни сақлаш кўп оғир экан, ҳаловатим йўқолди. Негаки у менга ишонганди. Ҳар куни Солор чўққисига чиқиб Пириях тоғи билан юзлашаман. Назаримда унинг бағридаги минг йиллик музлар ҳам омонатдай кўринади, — дегач чолнинг овози ўзгарди. — Хўжа Пириях тоғининг куни менинг бошимга тушган деб ўйлардим. Унга омонат музлар, менга эса омонат хазина, бир-биридан совуқ. Бу ташвишдан тезроқ халос бўлишни қанчалар интизор бўлиб кутганимни билсангиз эди...

Унинг дардчил сўзлари ўтирганларнинг ҳайратини оширар, кўзлари олайиб, муштдеккина бўлиб ётган бу жулдур чол қишлоқ аҳлининг кўз ўнгида юксак қояга айланиб бораётгандек эди.

— Ҳаммасини тоғларга топширдим!.. Чолнинг овози хириллади.

— Мендан кейин яна бир девона пайдо бўлишини ис-тамайман... Бу тоғларда ҳамияти баланд одамлар яшасин. Мен тоғлардан гурур топдим. Бизни Худо мана шу тоғлардан айирмасин.

У юзини Хўжа Пириях тоғ томон бурди. Ҳамқишлоқларига яна нимадир демоқчи бўлди. Аммо лаблари беихтиёр илоҳий каломни шивирлади:

«Ашҳаду аллаилаҳа Иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва Расулуҳ...» Унинг очиқ қолган кўзларига тоғларнинг акси кўчди. У гўё тоғларни ҳам кўзларида олиб кетганга ўхшарди...

ЭРТА ТУШГАН ҚОР

Ўша йили куз панд берди. Энди тоғдан пастга энамиз деб турсак қор ёғди. Бобом қор ёққанда йўлга чиқиб бўлмаслигини яхши билади. Ёлғизоёқ сўқмоқ йўлимизни қор кўмганди. Уни топиш амримаҳол. Қишлоқдагилар вақтида эниб тўғри қилишган экан. Тоғда сўппайиб икки оила қолдик. Қишлоқ одам билан обод. Гўё дара бизни ўз домига олгандек совуқ эди. Бунга бобом сабаб. Айни кўча-кўч пайти уста Зарифнинг аёли Хатича амманинг кўзи ёриди. У кетишимизни ортга сурди.

— Хатичанинг боласининг бўйни қотсин, кейин кетамиз, — деди бобом. Бобомнинг қарори дилимизни хуфтон қилди. Ҳазори аммам сабрсизлик қилгани учун жазоланди. Унга ачиндим. Ҳаётда кўп қийналган. Сабаби, унинг кўнгли ярим эди. Фарзанди йўқлиги учун дунёдан нолиб юрарди. Бобом нолиган кишини хуш кўрмайди. Шунинг учун ҳам аммам кўп танбех эшитади. Бир куни бехосдан:

— Амма, нега сизнинг болангиз йўқ? — деган эдим, у кишининг дунёси остин-устун бўлди.

— Илоё, жодугар мулланинг охиратига ўт тушсин...

Аммамнинг кўзлари олайиб қарғашга тушди.

— Ҳаммасига ўша гўри олов олгур сабабчи...

Баданим увушиб, кўзларимни ерга қададим.

— Ким эди у, мулла?..

— Қишлоқнинг имоми эди. Бухорои шарифда таҳсил олгани учун, кўлидан ҳар бало келади деб, одамлар ундан кўрқарди. Ўшанда ақлимни таниб-танимаган қизалоқман. Уйимизга Ойхол кампир келди. Уни ўша мулла юборибди. У мени четга чақириб пичирлади:

— Сенга мулла бобо ошиқ бўлибди. Бориб айт, олдимга келсин, деб тайинлади.

Ойхол кампирнинг сўзларидан сочларим тикка бўлди.

— У мулла отамдан катта-ку, жинни бўлмаганми? Қўш хотини бўлса, иймонини ебди. Бориб айтинг, агар унинг бу гапини отам эшитса, соғ қолмайди, у сассиқ чол...

Сўзларимдан Ойхол кампир оғринди.

— Ундай қилма қизим, у илми одам. Қишлоғимизнинг ҳалол-ҳаромига жавобгар киши...

— Ўлсин ўша илми билан...

Қаҳр билан Ойхол кампирнинг ёнидан отилиб чиқдим. Орадан кўп вақт ўтмай, у яна келди. Мен унга олдин айтган гапларимни қайтардим. Кейин Ойхол кампир сўзларимни оқизмай-томизмай муллага етказибди.

— Эҳ, — дебди мулла менинг рад жавобимни эшитиб. — Ҳали шунақами? Керак бўлса Ҳазорининг ўзи келиб оёғимга йиқилади. Лекин унда кеч бўлади. Мен унинг бахтини қулфга боғлаб, дарёга ташлайман. Бир умр бахтини излаб ўтади...

Мулланинг таклифини Ойхол кампир учинчи бор менга етказди. Мен кўнмадим. Бўлган воқеа шу. Тилимдан топдим. Бир умр бахтсиз, тирноққа зор бўлдим. Куним кишилар эшигида дакки эшитиш билан ўтди. Айтмасам бўлмайди, ҳаммасига ўша охирати олов олгур сабабчи...

Аммамга раҳмим келди. Наҳотки, бераҳм мулла бир заифага шундай бахтсизликни раво кўриб, уни бир умр чирқиратгани рост бўлса?! Унинг охирати нима бўлди экан?..

Бир кун қарасам, аммам ер чопаяпти.

— Нима қиляяпсиз амма?..

Югуриб ёнига бордим. У киши ҳорғин уф тортди:

— Ёнғоқ экаяпман болам, ёнғоқ узоқ умр кўрадиган дарахт. Бир кун дунёдан ўтсам, болаларинг қийқириб мева тераётганида катта Ҳазори аммамиздан қолган боғ, дея мени эслайсизлар. Ўшанда болаларингга бу дунёда мендек бир бахти қаро аёл тупроқларга қоришиб ўтганини айтасан. Мендан қоладигани мана шу уч-тўртта дарахт бўлади...

Кейинги пайтларда бобом уста Зарифнинг уйига кўп қатнайдиغان бўлди. Тоғнинг совуқ ҳавоси жонимизни сугу-

риб олаётгандек эди. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Ёзда гамлаган пичаннинг ҳам охири кўриниб қолган. Бобом эчкиларни боғларга оралатишимизни буюрди. Майда мол тили билан бир барг олса кифоя эмиш. Эчкилар тўкилган хазондан тўяди, лекин акам билан совуқда дилдираб юришга ҳолимиз йўқ. Биз эчкиларимизни ҳайдаб, эгалари қолдириб кетган боғларни оралаймиз. Дарахтлар шохида илиниб турган олмаларга таёғимни отаман. Ерга тушган қирмизи олмаларни кафтимга олиб, куф-куфлаб ейман. Акам йиглайди. Оёғидан совуқ ўтганидан нолийди. Негадир совуққа бардоши йўқ. Мен туширган чўгдек олмалар ҳам дилини илитомайди. Ногоҳ унинг дардларини янгилайман.

— Энди тоғларда қолиб кетамиз, қор ўлгур тинмайди. Уста Зарифнинг хотиниям бемаҳалда туғмай ўлсин...

Сўнг ака-ука мулла Султондан қолган бесўнақай ёнғоқ дарахтининг ковагига тушиб оламиз. Ёнимдан гугурт чиқариб олов ёқаман. Оёқ-қўлимизни илитамиз. Бирдан акамнинг кийими ҳўла бошлайди. Мен ҳайрон қоламан.

— Нима бўлди?

У гуноҳкор кўзларини оловдан узмайди. Кейин билсам Ҳазори аммамга билдирмай ўғирлаган сарёғи оловнинг тафтида эриган бўлади.

— Аммамга айтаман, энди ўлдим деявер.

Акам ўғирликни ҳеч қачон тан олмай, қайсарлик қилади...

Бугун қуёш чиққанидан кўнглимиз ёришди. Лекин кунлар бир тутам бўлиб қолганидан қор эримади. Қуёшда тафт йўқ. Чироққа керосин қуйган аммам пастга кетганларнинг ёруғ хоналарда маза қилиб ўтирганини эслайди. Бобомнинг қовоғи уюлиб дейди:

— Ҳазори, сенга минг марталаб айтаман, бир кун келиб, бу дамларни тилло бериб ҳам тополмайсан. Тоғда яшашнинг ўз гашти бор.

— Ўт тушсин, агар гашти шунақа бўлса...

Аммам кафтларини очиб, олов томон силжийди. Бобом бошқа гапирмайди, кўлоби тўшпани қатикча булаб уради. Кўлоби тўппа бобомнинг жону дили. Ҳовлидан уста Зарифнинг овози эшитилади.

— Дофур...

У бобомни нуқул Дофур деб чақиради. Дофур тоғларда бир пайтлар довруг таратган қаҳрамоннинг номи. Бобом ўридан сакраб туриб уста Зарифга пешвоз чиқади. Аммамнинг эса қовоғидан қор ёғади. Негаки, бизни қорли кунларга қолдирган уста Зариф бўлади.

— Дофур, — дейди уста бепарво бобомга кучоқ очиб.

— Сиз менинг қадрдонимсиз, ҳатто, туғишган акам ҳам менга қарамай кетди. Сизнинг бу яхшиликларингизни ўлгунимча унутмайман.

Бобом кулиб, уста Зарифга оловнинг ёнидан жой беради.

— Ёв қувлаяптими уста, борамиз ўша пастга...

Бизнинг ҳафсаламиз пир бўлади. Кўзимга уста Зариф янада ёмонроқ кўринади. Негаки, у бобомни йўлдан урган. Уста чой ҳўплаётганда кўзлари юмилиб-юмилиб кетади. Биламан у кун бўйи ишлашдан тинмайди. Дунёнинг ташвишлари гўё елкасидан босаётгандек боши оёқлари орасига тушиб қолади.

— Дофур, — дейди сўнг минғирлаб, — Худо хоҳласа, пайшанба куни биз ҳам йўлга тушамиз. Майда молни болалар олдинга ҳайдайди. Унинг изидан қорамол юради. Кейин қарабсизки, эшакка йўл очилибди. Аста секин уч-тўрт кунда қишлоққа етиб борамиз.

Устанинг сўзларини бобом маъқуллайди. Биз энди пайшанба келишини интизорлик билан кутамиз...

Ниҳоят, кутган кунимиз келди. Уста Зарифнинг қизи Ойсара билан эчкиларни олдимга солиб қувлайман. Аҳмад акам эса Ҳазори аммам билан қорамолнинг изидан қолмайди. Бобом билан уста Зариф уловларнинг ортидан узилмайди. Қалин шоҳи кўрпача тўшалган ҳанги устида ўтирган Хатича амманинг рўмоли ҳилпирайди. Кучоғида янги туғилган меҳмон...

Биз Ойсара билан эчкиларни сурамыз. Уларнинг устида юки йўқки, ағанаса. Ойсара менга меҳрибонлик қилиб ёнғоқ узатади. Мен эса унинг ёнғоғини олмайман. Негаки, Ойсарани, оиласини, ёнғоқлари билан қўшиб, янги меҳмонигача ёмон кўраман. Шуларни деб шўрлик аммам хўрланди. Акамнинг совуқда йиғлаганлари-чи? Буни сира кечириб бўлмайди...

Биз имиллаб-имиллаб кун ботарда қўйғорга етиб келамиз. Ўзи мўлжалимиз ҳам шу эди. У жуда катта гор. Унга бир сурув қўй бемалол сигади. Форнинг ичи уйдек қуруқ. Яратганнинг мўъжизаларига қойилман. Биз горда тунаймиз. Бобом билан уста Зариф дунёнинг шох-шаббасини йиғиб келишади. Ўша кеча туни билан оловимиз ўчмайди. Хатича амма топган-тутганини дастурхонга сочади.

— Меҳр адо бўлди уста, — дейди бобом оловга шох ташлаб. — Одамлар ортидан ёв қувлаган каби бир-бирига қарамай югуришади.

— Тўғри айтасиз, агар сиз ҳам бизни ташлаб кетганингизда ҳолимиз нима кечарди? Одамнинг тафтини одам олади. Бу дарадан не-не жаҳон шерлари ўтган. Тоғлар ҳам қарийди. Биз ҳам бир кун ўтиб кетамиз. Бу дамлар ганимат, Дофур!

Уста Зариф бобомни қўярга жой тополмайди. Биз ана шундай қилиб уч кеча-кундуз йўл тортамыз. Ҳар оқшом боболарнинг ўтмишдан сўйлагувчи ҳикояларидан баҳра оламан. Худди йўлларимиз каби узундан-узоқ ҳикоялар мени ўзига асир этади. Биз уста Зариф билан қадрдон бўлиб қоламиз. Унинг ичи тўла дард экан. Бошидан кечирганини айтса, бир неча китоб бўлади.

— Мен ким учун қиламан? Умрим тош қазишда ўтди. Одамларнинг миннатидан қўрқиб яшадим. Умримни боғ барпо этишга бағишладим. Болаларим хор бўлмасин дейман. Мақсадим, бир парча боғ қолдириш...

— Уста, — дейди бобом чой қуйиб, — биз баланд тоғларда яшаймиз. Баланд бўлишимиз керак. Болаларимиз негадир бизга ўхшамаяпти. Бўйни йўғон полвонлар ҳам тайёр боғга эгалик қилсам дейди. Бугунги ёшлар бир тошни олиб ўрнига дарахт ўтқазишни ор билишади. Нимамиш, бобомнинг мулкидан оламан. Боболаримиз экиб кетди. Биз ҳам экишимиз керак. Ҳар харсангни қўпорганда бўйиннинг томири узилади. Ҳар ким ичидан ўтганини ўзи билади. Аммо кўнгил ойнадек нозик, раҳматлик падари бузрукворимиз ҳикоя қиларди:

— Бир кун қишлоққа оқсоқол келди. Ҳар ким топганини олиб, оқсоқолни кўргани борди. Мен ҳам уйдагиларга ширгуруч буюрдим. Каттакон ёғоч товоққа ширгуручни сузиб, устига сарёғни қўйдим-да, оқсоқолни кўргани бордим.

Борсам, оқсоқол тўйган кўзидек дастурхон бошида ёнбошлаб ётибди. Олдида минг хил аширу нашир. У менинг келтирган ширгуручимга қайрилиб ҳам қарамади. Ёнидаги кишига:

— Ширгуручни олиб бор, Турсунмуроднинг болалари есин, — деди. Оқсоқолнинг сўзи юрагимга тигдек санчилди. Сапчиб жойимдан турдим-да, этагимни йигдим.

— Оқсоқол, мен ширгуручни сиз учун олиб келган эдим. Уйда ўзимнинг болаларим ширгуруч орқасидан йиглаб қолишди...

Келтирган таомимни товоғи билан кўтариб, уйимга жўнадим. Даврада ўтирганлар ҳангу манг қолишди...

Ҳа, гарчи отам, бўйи икки метрдан баланд баҳайбат полвон бўлса-да, кўнгиллари жуда нозик одам эди. Ўйлаб кўрсам, у киши тўғри қилган. Бировни ҳурмат қилсанг-да, эвазига ҳурмат топмасанг...

Қорнинг совуқ шамоли борган сари кучаяди. Уста Зариф оловнинг чўғи пасайганидан таҳликага тушади. Янги меҳмоннинг беғубор ингаси кўйғорга файз бағишлайди.

Эҳ баланд тоғлар, сиз елкангизга боболаримнинг залворли дардларини кўтариб ўнқир-чўнқир бўлиб кетгансиз. Бугун қаршингизда тик турибман. Юқорилагим келаяпти...

Совуқни ёқтирмайдиган Ҳазори аммам баҳорга чиқиш олдидан кетди...

У кишининг энг сўнгги айтган сўзи момақалдироқдек юрагимни ларзага солди. «Баҳор келаяпти, мен эса кетаяпман...» Бобом ўлим билан олишиб ётган чоғида Пирих тоғнинг сувидан бир қултум келтиришимизни буюрди. Тоғларни жону дилидан ортиқ кўрадиган уста Зариф дунё билан видолашди. Унинг қора кунларида сочларини тундек ёзиб, Хатича амманинг бўйнига осилиб отамлаётган аёлниг ноласидан кўзларимга ёш келди. Бу ўша, бизни қорли кунларга қолдирган янги меҳмон — Анорхол...

Ҳар гал тоғларнинг бошига қор тушганда хотиралар тўфонига гарқ бўлиб, болаликни излайман. Яхшиликни сира нутиб бўлмас экан. Бобом айтганларидек, тилло бериб тополмайдиган дамларимни қўмсайвераман...

МУНДАРИЖА

Тоғликлар ҳақида гурунглар	3
Тоғ беги	6
Момоқиз	11
Уруш кўрган чоллар	22
Сўнгги ўлжа	29
Тоғларга дил берган девона	34
Эрта тушган қор	41

Ахтамқули.
А 90 Тоғлар ҳам қарийди [Text]: ҳикоялар / Ахтамқули.
—Тошкент: «O‘zbekiston», 2011. —48 б.

ISBN 978-9943-01-766-5

УДК 821.512.133-32
ББК 84(5Ў)6

Адабий-бадиий нашр

АХТАМҚУЛИ

ТОҒЛАР ҲАМ ҚАРИЙДИ

Ҳикоялар

Муҳаррир *Н. Нурқулов*
Рассом *А. Бурҳонов*
Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Орипова*
Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси АІ 158. 14.08.09.
Босишга рухсат этилди 5.01.2012. Бичими 84×108^{1/32}.
«Таймс» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли б.т. 2,52. Нашр т. 2,43. Нусхаси 3000.
Буюртма № 11-262.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи,
100129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: iptduzbekistan@mail.ru www.iptd-uzbekistan.uz